VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

MILLIY TIKLANISH

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

33 (41) 2009 йил 19 август, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

www.milliytiklanish.uz
e-mail: milliyt@sarkor.uz

Партиялар олдидаги муҳим вазифа

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ўз олдига ҳуқуқий, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамияти барпо этишдек улкан мақсадни қўйди. Бу борада ўтган йиллар мобайнида қатор ютуқларга эришилди.

➔ 3-бет

Ўзбек мўъжизаси

Истиқлол йилларида мамлакатимизда халқимизнинг бир неча минг йиллик бой ва бебаҳо миллий қадриятларини қайта тиклаш, эзгу анъаналаримизни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

➔ 5-бет

Муқовадаги афиша ва мультфильмлар ғояси

"Мактаб бозорларида сотилаётган дафтарлар маънавиятимизга қанчалик тўғри келаяпти? Нима учун дафтарларда буюк алломаларимизнинг, таниқли ижодкорларимизнинг сиймолари чоп этилиб, илм олишнинг фазилатлари ҳақидаги ҳикматли сўзлари берилмайди?

➔ 7-бет

МТ БУГУНГИ СОНДА:

ПАРТИЯ ҲАЁТИ 2-бет
- Биз мустақил юрт фарзандларимиз
- Долзарб мавзуга бағишланди

ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА 3-бет
- Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш
- Юрт наволари

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ 4-бет
- Мустақиллик — ўзликни англашдир
- Она ва бола саломатлиги

МАЪНАВИЯТ 5-бет
- Буюклик болаликдан бошланади
- Бошловчилик санъати

ЖАРАЁН 6-бет
- Етук кадрларни тайёрлаш — асосий мақсадимиз
- "Тошкент экологияси: менинг уйим — менинг шаҳрим"
- "Қаҳрамон" чирой очмоқда

НИГОҲ 7-бет
- Қадимги Бақтрия хазинаси
- Дунёдан дараклар

БАЙРАМ ТИЛАКЛАРИ 8-бет
- «Қизилқумцемент» ОАЖ жамоаси қутлайди

Мустақиллик – ўзликни англашдир

МУСТАҚИЛЛИК 18 йил

истиқлол юрт тинчлиги ва барқарорлигини таъминлаб, инсон манфаати ва демократик жамиятнинг гарови бўлмоқда

Ахтам ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ва ЎзМТДП МК Ижроия Қўмитаси раиси

Бугун юртимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислоҳотлар, бунёдкорлик ва яратувчилик меҳнати, Ватанимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, халқимизнинг ўз ҳаётидан рози бўлиб яшаётганлиги ва бошқа кўплаб эзгу ишлар замирида мустақиллик шарофати ва имкониятларини кўрамиз. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаларида мамлакатимизда истиқлол йилларида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий-маърифий соҳаларда амалга оширилган ислоҳотлар ҳамда улкан яратувчилик ва бунёдкорлик ишлари таҳлил қилиниб, истиқболда олдимизда турган стратегик вазифалар белгилаб берилганди. Президентимиз мамлакатимиз босиб ўтган мустақил тараққиёт йилларини икки: **"...Ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислоҳот ва ўзгаришларни ўз ичига олган дастлабки босқич – 1991-2000 йиллар"** ва **"2001 йилдан 2007 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олган иккинчи босқич – фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври"**га бўлиб таҳлил қилар эканлар, ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятларини аниқ мисол ва далиллар асосида кўз олдимизга яққол гавдалантириб берган эдилар.

(Давоми 4-бетда)

МУЛОҲАЗА

Буюклик болаликдан бошланади

Кўп йиллик илмий кузатиш ва тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инсон ўз умри давомида оладиган барча информациянинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврида олар экан.

Боланинг онги асосан 5-7 ёшда шаклланишини инобатга оладиган бўлсак, айнан шу даврда унинг қалбида оиладаги муҳит таъсирида маънавиятнинг илк куртаклари намоён бўла бошлайди.

Ислом КАРИМОВ

Асрор МЎМИН

Чақалоқ кўтарган ёш ота-она улуғ аллома Абу Али ибн Синонинг ҳузурига келиб, бола тарбияси тўғрисида маслаҳат сўрашибди. Аллома гўдакнинг неча ойлик бўлганини суриштирибди.

— Эндигина олти ойлик бўлди,-дебди ота.

— Афсус, бола тарбияси билан шуғулланишга олти ой кечикибсизлар,- дебди аллома ва бундан кейин тарбияда нималарга эътибор қаратиш кераклиги тўғрисида қимматли маслаҳатларини берибди.

Шу ўринда Абу Али ибн Синонинг гўдаклигига доир бир ҳикоятни эслашимиз жоиздир. Гўдаклик пайтида онаси ёнига ётқизиб, ҳовлида кир ювишга киришибди. Қимматбаҳо тилла узуги халақит бергани учун бармоғидан олиб ёнига қўйибди. Ишларини тугатиб, узугини тақмоқчи бўлибди. Узукни жойидан тополмабди. Онаси узукни канизак олди деб ўйлаб, уни сиқувга олибди. Канизакни жазолаш учун унга яқинлашибди, гўдаги чирқираб йиғлабди, узоқлашса тўхтабди. Яна жазолаш учун канизакка яқинлашса, гўдаги чирқираб йиғлабди, узоқлашса тўхтабди... Зийрак онаси фарзандини йиғлатмаслик учун узук воқеасини унутибди.

Ойлар ўтиб фарзанди тилга кирибди ва онасига узук воқеасини эслатибди. Ўшанда гапиришни билмаганим учун канизакни бекорга жазоламоқчи бўлганингизда йиғладим, узоқлашсангиз тўхтадим.

(Давоми 5-бетда)

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси девони ходимлари ва ОАВ вакиллари иштирок этишди. Йиғилишни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, фракция раҳбари Х.Дўстмуҳамедов олиб борди.

Фракция йиғилиши

Фракция йиғилишида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси йиғилиши муҳокамасига киритилиши назарда тутилаётган қонун лойиҳалари ҳамда партия олдида турган муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Маълумки, 2008 йил 28 августда Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгаши йиғилишида Ўзбекистон Республикаси томонидан Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида қуроллар, ўқ-дорилар ва портловчи моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги Битим имзоланган эди.

(Давоми 2-бетда)

ТАРАДДУД

"Шарқ тароналари"

жорий йилнинг 25-29 август кунлари Самарқанд шаҳрида еттинчи анъанавий мусиқа фестивали бўлиб ўтади

Айни кунларда кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида мазкур маданий тадбирга тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Аэропорт, темир йўл вокзали, Регистон майдони ва унинг атрофи, тарихий обидалар, истироҳат боғлари ва йўлларда олиб борилаётган қурилиш-реконструкция ишлари якунланаётир.

Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги юбилей тантаналари билан ҳамоҳанг ўтган 2007 йилдаги фестивалда 51 давлатдан мусиқа ва санъат намояндалари иштирок этганди. Бу йил эса улар сони янада ошиши кутилмоқда. Фетиваль кунлари доирасида Регистон майдонидаги асосий саҳнадан ташқари "Мўъжиза" амфи театри, "Ёшлик" ва "Суғдиёна" истироҳат боғларида, Самарқанд,

Тайлоқ, Ургут, Жомбой, Оқдарё, Пайариқ туманларида концерт дастурлари уюштириш ҳам кўзда тутилган. Бу ерда, шунингдек, фетстиваль кунларида миллийлик уйғунлашган замонавий кўринишдаги савдо нуқталарида самарқандлик ҳунармандлар томонидан ясалган буюмлар кўргазма савдо ярмаркалари ҳам ўтказиш мўлжалланмоқда.

(Давоми 4-бетда)

ALOQABANK – ЮКСАКЛИККА ИНТИЛГАНЛАР УЧУН

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Фракция йиғилиши

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ушбу Битимда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар ҳукуматлари қуроллар, ўқ-дорилар ва портловчи моддаларнинг ноқонуний айланиши кўламининг кенгайиши ҳамда уларнинг Томонлар давлатлари хавфсизлигига жиддий таҳдид солишига қарши курашга қаратилган таъсирчан чоралар кўришдан ўзаро манфаатдор эканлиги белгилаб қўйилган. Қонунчилик палатаси йиғилиши муҳокамасига биринчи ўқишда киритилиши назарда тутилаётган "Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида қуроллар, ўқ-дорилар ва портловчи моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Душанбе, 2008 йил 28 август) ратификация қилиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг 2002 йил 7 июндаги Хартияси, 2001 йил 15 июнидаги терроризмга қарши кураш тўғрисидаги Шанхай конвенцияси қоидаларига амал қилинган ҳолда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида қуроллар, ўқ-дорилар ва портловчи моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида ишлаб чиқилгани билан аҳамиятлидир.

- Ушбу Битим муқаддима, 15 модда ва якуний қоидалардан иборат,- деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Умид Исмоилов лойиҳа юзасидан тушунтириш бериб. - Битимнинг 2-моддасига мувофиқ Томонлар ўз давлатларининг қонунчилиги ва Томонлар давлатлари иштирокчи бўлган халқаро шартномаларга риоя этиб, ўзларининг ваколатли органлари орқали қуролларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш, барҳам бериш ва очишда ҳамкорлик қиладилар.

Битимнинг 3-моддасида Томонларнинг олиб борадиган ҳамкорлик йўналишлари кўрсатилган бўлиб, улар ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва қонунчиликни уйғунлаштириш, жиноятчиликнинг аҳволи ва динамикасини таҳлил қилиш, ушбу кўринишдаги жиноятчиликка қарши курашнинг келишилган стратегияси ва ҳамкорликдаги чораларини ишлаб чиқиш, ваколатли идораларнинг ўзаро алоқалари механизмини мукаммаллаштириш ҳамда халқаро ташкилот ва форумларда иштирок этиш учун позицияларни келишиб олишдан иборат.

Ўзбекистонда қуроллар, ўқ-дорилар ва портловчи моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Бош прокуратураси ва Давлат Божхона қўмитаси ваколатли ҳисобланади.

Қонун лойиҳаси юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилиб, бир овоздан маъқулланди.

Фракция йиғилишида Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан тақдим этилган "Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти аъзо давлатлари томонидан қўшма аксилтеррор машқларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Битимни (Душанбе, 2008 йил 28 август) ратификация қилиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси ҳам бевосита Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгаши йиғилишида Ўзбекистон Республикаси томонидан Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти аъзо давлатлари томонидан қўшма аксилтеррор машқларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида имзоланган Битим асосида тузилган.

Таъкидланганидек, Битим қоидаларига мувофиқ Томонларнинг ҳудудларида террористик ҳаракат содир этилган ёки содир этиш хавфи юзага келган вақтда уларнинг биргаликда ҳаракат қилиши учун махсус аксилтеррор тузилмаларни тайёрлашга қаратилган ўқув машқларини ўтказишдан иборат. Машқларнинг асосий вазифалари, жумладан, бошқарувчи органларнинг махсус аксилтеррор тузилмаларга раҳбарлик қилишда мувофиқлилик даражасини кўтариш, машқлар иштирокчиларининг амалий кўникмаларини такомиллаштириш ва қўшма аксилтеррор тадбирларини ўтказишнинг самарали шакл ва услубларини ишлаб чиқиш ҳамда махсус аксилтеррор тузилмалар ҳаракатларини мувофиқлаштириш масалаларини амалий жиҳатдан яхши ўрганиш этиб белгиланган.

Йиғилишда депутатлар мазкур қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

"Зарафшон шаҳрининг чегарасини тасдиқлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қарори лойиҳаси муҳокама қилинди.

Мазкур лойиҳа юзасидан Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг архитектура ва шаҳарсозлик бошқармаси бошлиғи Шодиёр Шоназаров тушунтириш бериб, жумладан шундай деди:

- Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига асосан туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ҳамда чегараларини ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатларига киради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Зарафшон шаҳрининг чегараларини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Қарор лойиҳасида Зарафшон шаҳри туташ бўлган туманлар ҳудудлари ҳисобига кенгайтирилиб, чегараларини аниқ белгилаш назарда тутилмоқда. Бу Зарафшон шаҳрининг янада гуллаб-яшнаши, шаҳар аҳолисининг ўсиш суръатига бевосита таъсир қилади. Шунингдек, жаҳон стандартларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқариш, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун қулай шарт-шароит яратади. Қарор лойиҳасида шаҳарда янги иш ўринлари яратилиши ҳам кўзда тутилган. Бу эса, шаҳарнинг саноат ва ишлаб чиқариш салоҳияти, транспорт қатнови, ижтимоий инфратузилмаси ривожланишининг янада юксалишига хизмат қилади.

Йиғилишда муҳокама қилинган қонун лойиҳалари юзасидан фракциянинг нуқтаи-назари белгилаб олинди, партия олдида турган долзарб масалалар ҳам муҳокама қилиниб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сарвар ХУРРАМОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

БАЙРАМ ШУКУҲИ

Биз мустақил юрт фарзандларимиз

мамлакатимизнинг энг олис қишлоғи — Балиқликўлда Фарғона водийси ёшлари иштирок этган сайил ана шундай шиор остида ўтди

Дилноза ҲАЙИТОВА,
«Milliy tiklanish» мухбири

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги умуммиллий ғоялари асосида фаолият юритиб, ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш, миллий манфаатларимизни ҳимоялаш, асрий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш ҳамда халқ фаровонлигини оширишга ҳисса қўшишни мақсад қилган фуқароларни ўз атрофида жипслаштирган.

Партиямизнинг асосий мақсади халқимиз онгида миллий ўзликни англашни янада ўстириш, аҳоли, айниқса, ёшлар орасида миллий ғурур, ватанпарварлик, миллий истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини юксалтириш, ўз электоратининг интеллектуал салоҳиятини мустақил Ўзбекистон манфаатлари ва давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашига сафарбар этишдир. Шунингдек, ёш авлодни ўз Ватанини сидқидилдан севиш ва шу азиз диёр билан фахрланиш, мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, бир сўз билан айтганда, ўғил - қизларимизни юксак маънавиятли инсонлар сифатида тарбиялаш ишларига катта эътибор қаратиш устувор йўналишимиз ҳисобланади.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши ва ҳудудий партия ташкилотлари томонидан ана шундай улуғвор мақсадларни амалга ошириш йўлида кенг омма орасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. Партия Марказий Кенгашидан тортиб вилоят, шаҳар, туманлар кенгашлари ҳамда бошланғич партия ташкилотларигача зарур чора-тадбирлар, режалар ва ҳаракат дастурлари белгиланиб, бу борада бир қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Айниқса, йил дастуридан келиб чиққан ҳолда юртимизнинг энг чекка-чекка гўшаларида турли мавзуларда кўплаб таъсирчан тадбирлар ташкил этилаётгани диққатга сазовордир.

Яқинда ЎзМТДП Наманган вилояти кенгаши Ижроия қўмитаси ва "Ёшлар қаноти" томонидан вилоятнинг энг олис қишлоғи – Балиқликўлда ўтказилган «Биз – мустақил юрт фарзандларимиз» шиори остидаги водий ёшларининг сайли ҳам бу фикримизнинг далилидир.

Мазкур анжуман мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллиги ҳамда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»га бағишланди. Тадбир ёшлар онги ва тафаккурида мамлакат тақдири, Ватан келажаги учун масъулликни янада ошириш, ёшларни бирлаштириш ва жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашиш, манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш ҳамда сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишга чорлаш мақсадида ташкил этилди.

Тадбирда ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, вилоят ва туман ҳокимлиги вакиллари, депутатлар, партия фаоллари, мамлакатимиздаги таниқли шоир ва санъаткорлар, Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларининг иқтидорли ёшлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Байрам сайли қатнашчилари дастлаб водийлик ёш рассомларнинг кўргазмаси билан танишдилар.

Анжуманни ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Шуҳрат Деҳқонов олиб борди. Унда сўз олган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Арслон Эшмуродов, Акрам Жумаев мамлакатимизда ёш авлод тарбияси, камолоти ва истиқболига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги, ёшларга оид қонунчилик ва ёшлар манфаатларини ҳимоялаш механизмларини такомиллаштириш борасида қилинаётган ишларга тўхталдилар. Шунингдек, тадбирда уларнинг урф-одатларимиз, маънавиятимизга ёт бўлган зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топиш, олиб борилаётган ислоҳотларга бефарқ бўлмасдан, фаол иштирок этиш зарурлиги таъкидланди. Бу борада Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси томонидан амалга оширилаётган ишлар айтиб ўтилди.

Тадбир доирасида кечган «Мустақиллик – ҳуқуқ демакдир» мавзусидаги очиқ мулоқот ҳам турфа фикрларга, қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлди. Унда ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олиш билан бирга сиёсий билимларни қай даражада эгаллаётганликларини ҳам намойиш этишди.

Мулоқотда шунингдек, ёшларнинг ижтимоий манфаатларидан келиб чиқувчи ЎзМТДП дастурий вазифаларини амалга ошириш, хусусан, ёш авлодни фаол фуқаролик позицияси асосида тарбиялаш, уларнинг сиёсий маданияти, маънавиятини юксалтириш масалаларига оид партия фаолларининг мулоҳазалари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Шу билан биргаликда, анжуманда Фарғона водийсининг ёш шоирлари, рассомлари ва хонандалари ўртасида ижодий кўрик-танлов ўтказилиб, турли номинациялар ғолиблари ЎзМТДП вилоят кенгашининг дипломлари ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Байрам сайлига ёш хонанда ва шоирларнинг она Ватан, муқаддас замин, истиқлол ва истиқболни тараннум этувчи қўшиқ ва шеърлари ўзгача файз бағишлади. Айниқса, партия аъзоси, «Ниҳол», «Ўзбекистон – Ватаним маним» кўрик-танловлари совриндори Одил Ёқубов, жажжи қизалоқлар «Келажак овози» танловининг вилоят босқичи ғолиблари Фотима ва Зуҳра Адҳаммирзаева, Азизбек Ортиқов, Умиджон Қорабоев ижросидаги ашулалар, Орифжон Одилжонов, Феруза Исломова, Камола Абдувалиева, Нигора Турғунова, Икромжон Аслий, Садоқат Одилова каби ёш ижодкорларнинг шеърлари барчага манзур бўлди. Актриса Зуҳра Солиеванинг чиқишларини эса йиғилганлар гулдурос қарсаклар ва олқишлар билан қарши олишди.

Тадбирда бир гуруҳ ёшлар партия аъзолигига қабул қилинди. Уларга аъзолик гувоҳномалари ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Балиқликўл қишлоғида бўлиб ўтган ёшлар сайли унда иштирок этган мингдан ортиқ фуқароларда ўчмас таассуротлар қолдирди десак, асло муболаға бўлмайди.

БПТ — БОШ ТАЯНЧИМИЗ

Бош мақсадимиз

партия мавқеини ошириш

Алишер РАҲМОНОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ЎзМТДП Ангор туман кенгашида партия аъзоларининг сони 1132 нафарни ташкил этади ва унинг таркибида 6 та бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатмоқда.

Бошланғич партия ташкилотлари ҳар қайси сиёсий партиянинг асосий негизи эканлиги барчага маълум. Улар фаолиятини янада яхшилаш ва ишини такомиллаштириш борасида туман кенгашида ўзига хос шакл ва услубда ишлар қилиняпти. Бу фикримиз исботини туман кенгашининг Қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи қошидаги бошланғич партия ташкилоти фаолияти мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Коллеж Ахборот-ресурс марказининг тажрибали ходими, ЎзМТДП туман кенгаши аъзоси Шаҳноза Мелиқулова раҳбарлик қилаётган бошланғич ташкилот туманда ўз мавқеига эга бўлиб, 20 нафардан зиёд аъзоларни бирлаштирган.

Шаҳноза опа билан ташкилот фаолияти ҳақида мулоқот қилар эканмиз, аввало эътибор қаратилган жиҳат ёшлар масаласи бўлди.

— Ёшларимизда ўз Ватанига муҳаббат ва ундан фахрланиш туйғусини камол топтириш, уларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш партиямизнинг асосий вазифаларидан саналади. Шу боисдан йил давомида ўтказаётган ҳар бир тадбиримизнинг аксарияти ана шу мавзуларга қаратилади,- дейди етакчи.

Таъкидлаш жоизки, бошланғич партия ташкилоти фаолиятида мазкур билим даргоҳидаги Ахборот-ресурс маркази муҳим рол ўйнайди. Талаба-ёшлар орасида ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар, китобхонлик кечаси ва қизиқарли давра суҳбатлари ушбу марказда ташкил этилмоқда. Яна бир эътиборга молик жиҳат, партия туман кенгаши сафига бирлашган аъзолар ҳам БПТ мавқеини кўтаришда фаол ҳаракат қилмоқдалар.

Истиқлол берган имкониятлардан баҳраманд бўлиб яшаш билан бир қаторда, бугунги кун ёшларининг таълим-тарбиясига жиддий эътибор бериш, соғлом турмуш тарзини яратишга муносиб ҳисса қўшиш ҳар бир партиядошимизнинг зиммасидаги масъулиятли вазифага айланиши керак. Туман кенгаши фаоллари ота-оналар, маҳалла фуқаролар йиғинлари, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ҳудуддаги ўқув муассасалари, корхона ва жамоаларда ёшларни гиёҳвандлик, жиноятчилик ва диний экстремизм таъсирига тушиб қолишдан асраш борасида тез-тез учрашувлар ва давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда.

— Бажаришимиз лозим бўлган ишлар талайгина. Энг асосийси яқинлашиб келаётган сайловларга пухта ҳозирлик кўришдир. Сайловлар катта сиёсий жараён экан, унга тайёргарлик кўриш сиёсий партиялардан жиддий масъулият талаб этади, - дейди биз билан суҳбатда Шаҳноза Мелиқулова. — Одамлар орасига ишонч билан кириб бориш, партиямизнинг ғоя ва мақсадларини Ватан истиқболи йўлида сафарбар этишдек эзгу амаллар асосий иш мезонимизга айланиб боряпти. Шу жумладан аъзоларимизни сон ва сифат жиҳатдан янада мустаҳкамлаш, қолаверса амалий тадбирлар орқали партиямиз мавқеини янада оширишни нафақат сайловлар жараёнида, балки ҳамиша бош мақсад қилганмиз.

БПТ томонидан болажонларнинг ёзги таътил вақтларини мароқли ва мазмунли ўтишини таъминлаш мақсадида "Камолот" ЁИҲ туман кенгаши ҳамкорлигида ўтказилаётган тадбирлар ҳам кўпчиликка манзур бўлмоқда.

ТАДОРИК

Долзарб мавзуга бағишланди

Нукусда ФЖЎИ Қорақалпоғистон Республикаси Минтақавий ахборот-таҳлил маркази томонидан жорий йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалаларига бағишланган икки кунлик семинар ташкил этилди. Унда тўртта сиёсий партия шаҳар ва туман кенгашлари аъзолари, партиядан шаҳар ва туман кенгаши депутатлигига номзодлар, ишончли вакиллар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Илья ДИЛЬМАНОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

"Сиёсий партияларнинг сайловолди платформалари" мавзуида ташкил этилган семинарнинг биринчи кунида мавжуд сиёсий партия вакиллари гуруҳларга бўлиниб, ўз дастурий ғоя ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда эркин бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш, адолатли фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш, аҳоли турмуш даражасини тараққий этган давлатлар қаторига олиб чиқиш, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашига амалий ҳисса қўшиш мақсадларидан келиб чиқадиган сайловолди платформаси лойиҳалари ишлаб чиқилиб, муҳокамага тақдим этдилар.

Ўқув-семинарнинг иккинчи кунида "Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида оммавий-ахборот воситаларининг ўрни" мавзуида машғулотлар ўтказилди. Семинар иштирокчилари сайлов жараёнида оммавий-ахборот воситалари вакилларининг иштироки, сайлов жараёнларини ёритишда сиёсий партиялар даврий нашрларининг ўрни ва аҳамияти, сайлов кампаниясини очиқлик, ошкоралик тамойиллари асосида ташкил этиш ва ёритиш масалалари ҳамда оммавий ахборот воситалари қонунчилигига доир лойиҳаларни ишлаб чиқдилар ва муҳокамага қўйдилар.

Интерфаол шаклида олиб борилган ўқув-семинарни бошқарган ФЖЎИ Қорақалпоғистон Республикаси Минтақавий ахборот-таҳлил маркази илмий ходимлари Баҳтиёр Ибрагимов, Хожабой Қабулов, Қуатбой Исмайлов, Разиля Ажиниязова иштирокчиларнинг сайловолди платформаси лойиҳаларини тайёрлаш ва муҳокама жараёнидаги барча саволларга атрофлича жавоб бердилар.

Семинар сўнггида сиёсий партияларнинг сайловолди платформалари бўйича "Энг яхши лойиҳа" номинацияси ғолиблари аниқланди.

ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

МУСОҲАБА

Партиялар олдидаги муҳим вазифа

жамоатчилик фикрини шакллантириш ва сиёсий фаолликни оширишдан иборат

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ўз олдига ҳуқуқий, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамияти барпо этишдек улкан мақсадни қўйди. Бу борада ўтган йиллар мобайнида қатор ютуқларга эришилди. Жамиятда демократик тамойилларнинг кенг қулоч ёйиши, кўппартиявийлик тизимининг вужудга келиши барча соҳадаги ислоҳотлар, жумладан қабул қилинаётган қонунлар ижросини кенг жамоатчилик томонидан назорат қилинишини таъминлайди.

"Milliy tiklanish" мухбири Сарвар ХУРРАМОВ суҳбатлашди

Мамлакатимизда демократик жараёнларни жадаллаштиришнинг муҳим томони фуқароларимизнинг ушбу жараёнларга қанчалик фаол, онгли қатнашувига, уларнинг сиёсий маданияти, давлатни бошқаришдаги иштирокига боғлиқ. Бу жиҳатдан аҳолининг хабардорлик даражаси юқори бўлиши лозим. Шунингдек, аҳоли партиянинг ғоя ва мақсадлари ҳамда унга аъзо бўлишдан мақсад нима эканлигини тўла тушуниб етиши керак. Шуларни ҳисобга олган ҳолда таҳририят партия фаолларига бир нечта саволлар билан мурожаат қилди.

- Партияга аъзолик фуқаролар учун қанчалик муҳим?

Дилшод Шарипов, ЎзМТДП Бухоро шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари:

- Маълумки, ҳар қандай сиёсий партия ўзининг мавжудлиги, структураси, ташкил топиш асослари ва жамиятдаги ўрнига кўра сиёсий институт ва фуқаролик жамиятининг ўзгармас асосларидан бири ҳисобланади. Демак, сиёсий партия сиёсий мақсад ва қадриятлари билангина жамиятда мавжуд бўлиши мумкин. Агар ҳар қандай сиёсий партия ***ўзининг мустақил платформасига, сиёсий қарашлари ва тизимларига*** эга бўлмаса, ожиз тузилмага айланади ва жамиятда бирор бир нуфуз ёки обрў-эътиборга эга бўлмай қолади. Шунинг учун ҳам юртимиздаги ҳар бир сиёсий партия жамоатчилик фикрини шакллантиришга жиддий эътибор бермоғи лозим. Бу, айниқса, сайлов жараёнларида янада яққолроқ кўзга ташланади.

Жамиятимизда сиёсий партиялар етук кадрларни тарбиялайдиган бир поғонага айланиши зарур. Сиёсий партияга аъзо бўлиш қанчалик муҳимлигига тўхталадиган бўлсак, шубҳасизки, ***етакчилик қобилиятига эга бўлган кишиларгина сиёсий партиянинг оддий аъзоси бўлибгина қолмай, энг фаол ташкилотчисига ҳам айланиши мумкин.*** Масалан, агар илм-фан фидойисига сиёсий партияга аъзо бўлиш таклифи қўйилса, у албатта ўз манфаати юзасидан **"Сиёсий партияга мен нима бера оламан?"** ва **"У менга нима бера олади?"** деган саволни қўяди. Ақлли киши, албатта ўйлаб кўрмасдан сиёсий партия аъзоси бўлишга рози бўлмайди ва фойда-зарар тарози палласига қўйилади. Сиёсий партияга аъзо бўлиш истагида бўлган фуқаро, аввало, шу сиёсий партия орқали ўз манфаатларини амалга оширишни, ўз карьераси ва келажагини таъминлашни истайди. Бу - оддий ҳақиқат.

Жамиятда фаол ва нофаол фуқаролар мавжуд бўлиб, сиёсий партиялар ўз устав ва дастурига кўра, кўпроқ ўз сафида фаол фуқаролар иштирокини истайди. Сабаби, ҳар жиҳатдан етук киши ўнлаб фаол бўлмаган фуқаролардан афзалроқдир. Мустақил фикр ва кенг дунёқарашга эга ҳар қандай киши ҳам жамиятнинг, ҳам сиёсий партиянинг юзи ва келажаги саналади.

Таъкидлаш жоизки, жамиятимизда сиёсий партиялар фаолияти билан қизиқадиган ва қизиқмайдиган фуқаролар ҳам мавжуд. Айрим зиёлилар, масалан, ўқитувчилар, сиёсий партияга аъзо бўлиш таклифи билдирилса, жамиятга шусиз ҳам ҳиссаси қўшилишини таъкидлайди. Яна айрим кишилар борки, сиёсий партия деганда фақат мажлис, тадбир ўтказадиган ташкилот деб тушунади ва сиёсий партияга аъзо бўлиш таклифини рад этади. Айни пайтда партия аъзоси сафини мажбурлаб кенгайтириб бўлмайди. Ҳар қандай сиёсий партияга аъзолик ихтиёрий ва эркин эканлиги юртимизда мавжуд 4та сиёсий партиянинг Устав ва Дастурларида алоҳида белгиланган.

Сиёсий ва ҳуқуқий маданияти мавжуд бўлган, энг муҳими ватан туйғуси ва сиёсий иродаси кучли бўлган фуқароларгина партиянинг сиёсий асосчилари ва етакчиларига айланади.

Комилжон Отахонов, ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси:

- Партия - қисм деган маънони англатиб, у ёки бу жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий гуруҳлар, табақалар, қатламларнинг бир қисмини, одатда уларнинг илғор, энг фаол ва уюшган қисмини бирлаштирадиган сиёсий ташкилотни англатади. Шу маънода айтиш мумкинки, сиёсий партия бу - ижтимоий гуруҳ ёки табақанинг туб манфаатларини ўз фаолиятида ифода этувчи, уларнинг энг илғор ва энг фаол вакилларини ўз атрофида жипслаштирувчи ҳамда уларнинг муайян мақсад-манфаатлари, орзу-умидларига эришишлари учун курашларида уларга сиёсий раҳбарлик қилувчи ва сиёсий ҳокимият учун маърифий кураш олиб борувчи сиёсий ташкилотдир.

Сиёсий партиялар бошқа сиёсий клублардан фарқи, улар ўз сафларига имкон қадар кўпроқ аъзоларни жалб этиш, сиёсий курашнинг қонуний усулларидан кенг фойдаланишга ҳамда фақат сайловлар даври билан чекланмаган фаолликка интиладилар.

Сиёсий партиялар фуқаролик жамиятининг ўз-ўзини ташкил этиш усули, демократик жамиятнинг муҳим ижтимоий-сиёсий институти, давлат билан фуқаролик жамиятини ўзаро боғлаб турувчи восита бўлганлиги туфайли фуқаролар учун сиёсат майдонида ўз ўрнини топиш, муайян ғояларга таянган ҳолда аниқ сиёсий фаолият юритиш имконини беради. Шу боис ҳам фуқаролар ўзларининг моддий ва маънавий манфаатлари ёхуд эҳтиёжларидан келиб чиқиб у ёки бу партияга аъзо бўладилар.

- Аҳоли учун сиёсий фаоллик қанчалик зарур, деб ўйлайсиз?

Дилшод Шарипов:

- Замонавий муҳит шуни кўрсатмоқдаки, жамият ривожланиши, турғунлигини ҳам кишилар онги ва дунёқарашидаги ўзгаришлар белгилайди. Кишилар онги ва иродасида маънавий-маърифий ўсиш бўлсагина, сиёсий фаолликка замин яратилади. Аслида, сиёсий фаоллик юксак маънавият ва маърифатнинг, қолаверса, интеллектуал салоҳиятнинг натижасидир. Ўзбекистон Республикасида шундай маънавий-маърифий фаолият асосидаги сиёсий фаоллик фақат мустақилликдан кейингина шаклланди ва буни биргина сиёсий партиялар фаолиятидан ҳам билса бўлади. Собиқ иттифоқ даврида ҳеч ким аҳоли учун сиёсий фаоллик зарурми, деган саволни ҳеч кимга бера олмас эди. Сиёсий мутелик ва қолипга туширилган яккапартиявий онг ва дунёқараш ҳамда догматик-нигилистик фикрлаш услуби сиёсий нофаолликни юзага келтирганди. Демак, мустақиллик нафақат, сўз, фикр, эътиқод эркинлигини берди, балки сиёсий фаол бўлган, янгича фикрлайдиган ва замонавий илм-фанга, замонавий информацион коммуникацияга бефарқ бўлмаган ёшларни шакллантирди.

Мустақиллик озод ва эркин фуқаро маданияти, мустақил онг ва ҳур дунёқарашни ҳам берди. Масалан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг маҳаллий кенгашларидаги "Ёшлар қаноти" етакчилари мисолида ҳам юрт ва партия келажагини кўриш мумкин. Ҳозирги кунда жамиятимиз учун аҳолининг сиёсий фаоллиги кишиларнинг ўз касби-коридаги фаолликда ҳам намоён бўлиши даркор. Сабаби сиёсий фаоллик сиёсий тизимни демократлаштиришнинг муҳим асоси ҳисобланади. Демак, маърифатли киши, юксак маънавиятли кишигина сиёсий жиҳатдан фаол бўлиши мумкин. Аслида, сиёсий фаоллик шу ердан негизланади.

Комилжон Отахонов:

- Ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий ҳаёти заминида мазкур жамият табиатини ифода этувчи турли хил ижтимоий меъёрлар, шу жумладан, фуқароларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллиги, аҳлоқий қоидалари, маънавий қадриятлари мажмуаси ётади. Сиёсий фаоллик муайян сиёсат орқали намоён бўлади. Илмий адабиётларда "Сиёсат бу – турли туман манфаатлар, қарашлар, фикрлар ва ғоялар учрашган жойдир" деб талқин этилади. У ўзининг асл мазмунини мамлакатимизда кўппартиявийлик шароитида намоён этмоқда. Жамиятнинг демократлашув даражасининг муҳим пойдевор кўрсаткичидан бири аҳолининг кўппартиявийлик тизимидаги иштироки билан ўлчанади. Сиёсий партиялар фуқароларнинг ижтимоий манфаатларини парламент, давлат ҳокимияти, маҳаллий вакиллик ва аҳолининг ўзини-ўзи бошқариш органлари орқали ифода этиш ҳамда рўёбга чиқаришда сиёсий фаоллик муҳим ўрин тутади.

Ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, сиёсий партиялар жамиятнинг сиёсий пешқадам аъзолари, сиёсий фаоллик қатлами бевосита шаклланадиган муҳит сифатида ўзларини намоён қиладилар. Бундай сиёсий фаоллик, рақобат сайловолди кампаниясининг муҳим қисмидир. Сиёсий рақобат бу - турли партиялар сайловларда ўз номзодлари ғалабасини таъминлаш мақсадида олиб борадиган фаолияти ва ўзаро муносабатларини ташкил этувчи партия аъзоларининг сиёсий фаоллигидир.

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ХРОНИКАСИ

Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш

бу масала партия ташкилотларида амалга оширилаётган тадбирларда ўз аксини топмоқда

Махбира Абдалова, "Milliy tiklanish" мухбири

— Соғлом авлод мамлакат истиқболини белгилайди. Шундай экан, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом фарзанд туғилиши, жисмоний ва маънан баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш ҳар биримиздан масъуллик талаб этади,- дейди ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Лутфулла Мамасолиев. — Ушбу мавзуга қаратилган давра суҳбатлари, турли тадбирлар партия ҳудудий ташкилотлари томонидан тиббиёт муассасалари билан ҳамкорликда мунтазам ўтказилиб борилишига катта эътибор қаратяпмиз.

Бу фикрларга ЎзМТДП Самарқанд шаҳар кенгаши томонидан 4-сон болалар поликлиникасида ўтказилган "Соғлом она, соғлом фарзанд – соғлом миллат" мавзусидаги давра суҳбати ёрқин далил бўла олади. Мазкур тадбирда партия вилоят ва шаҳар кенгаши фаоллари, тиббиёт ходимлари иштирок этдилар.

— Шаҳримиздаги мавжуд 31 та маҳаллада 23 минг 678 нафар 14 ёшгача бўлган болалар соғлигини мунтазам равишда назорат қилаяпмиз, туғилажак чақалоқлар ҳам доимий эътиборда,- дейди тадбирда сўзга чиққан ҳамшира Тозагул Исроилова. – Деярли ҳар куни хонадонларда бўламиз, фарзанд кутаётган оналарга тегишли маслаҳатлар бериб, улар соғлигини текширамиз. Турли касалликларнинг олдини олиш учун эмлаш ишларини амалга оширамиз. Буларнинг барчасини Президентимиз томонидан қилинаётган чексиз ғамхўрликнинг бир қисми дейиш мумкин.

Тадбирда муассаса бош шифокори Н.Асқарова сўзга чиқиб аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларга кенг тўхталди.

Тадбир якунида ўн беш нафардан зиёд саломатлик посбонлари партия сафига қабул қилинди.

* * *

ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши томонидан йил дастури ижросига бағишлаб бир қатор тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда. Жумладан, партиянинг Косон туман кенгаши ҳамда вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида бўлиб ўтган "Биз учун ягона ва устувор мақсад-Ўзбекистон манфаати" мавзусидаги тадбир ана шу мақсад йўлидаги муҳим ишлардан биридир. Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва туман кенгаши депутатлари, вилоят ҳокимлиги, партия фаоллари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди. Уни вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Инобат Каримова очди.

Кишилар онгида миллий истиқлол ғояси, маънавиятимизни юксалтириш, қадриятлар ва анъаналаримизга содиқлик ҳиссини кучайтириш, мамлакатимиз равнақи ва халқ фаровонлиги йўлида олиб борилаётган ишлар ҳамда партия фаолияти тарғиботига бағишланган тадбир барчада бирдек қизиқиш уйғотди.

— Партия фаолиятини аҳоли орасида кенг тарғиб-ташвиқ қилиш ва унга нисбатан жамоатчилик фикрини шакллантиришда бу каби давра суҳбатларининг таъсири ва самараси катта. Улар орқали фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти ошади, сиёсий фаоллиги ортади,- дейди биз билан суҳбатда ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ойниса Очилова.

Давра суҳбати очиқ мулоқот ва савол-жавоб тарзида бўлиб ўтди.

* * *

"Гулла, яшна мустақил Ўзбекистон" мавзусида ЎзМТДП Баликчи туман кенгаши томонидан давра суҳбати ўтказилди. Унда туман МФЙ, ҚФЙ раислари, партия "Ёшлар қаноти" ва "Аёллар қаноти" фаоллари иштирок этишди.

Энг азиз ва энг улуғ байрамимиз – мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбирни туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М.Алибоева олиб борди. Нотиқ ўз сўзида мамлакатимизда маънавий ҳаётимизни юксалтириш, олиб борилаётган бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларига, айниқса қишлоқларнинг янада обод ва фаровон бўлиши йўлида қилинаётган ислоҳотларга кенг тўхталди. Бу борада туман кенгаши томонидан олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам қисқача маълумот бериб ўтди.

Тадбирда партия туман кенгаши "Ёшлар қаноти" раҳбари У.Мамажонов сўзга чиқиб, мамлакатимизда ёшларга берилаётган эътибор ва яратилаётган шарт-шароитлар уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб етишишларига хизмат қилаётганини таъкидлади. Шунингдек, партия "Ёшлар қаноти"нинг мақсад ва вазифалари ҳақида ҳам кенг тушунтириш бериб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Асака шаҳар кенгаши томонидан саломатлик маркази билан ҳамкорликда "Репродуктив саломатлик соғлом авлод манбаи" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда партия шаҳар кенгаши аъзолари, Теша Матёқубов номли маҳалла фаоллари ҳамда саломатлик маркази ходимлари иштирок этишди.

Тадбирни ЎзМТДП шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Ш. Муйдинов кириш сўзи билан очиб, партия томонидан аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган ишлар тўғрисида гапирди. Суҳбат давомида тадбир иштирокчилари ўсиб келаётган ёш авлодни вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказиш, фарзандларимизни нафақат жисмонан, балки ақлий жиҳатдан ҳам соғлом тарбия қилиш, турли зарарли оқимлар таъсиридан ҳимоялаш ишларига катта эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Тадбир иштирокчилари соғлом турмуш тарзини шакллантиришда спортнинг аҳамиятига тўхталиб, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишларига ёшлигидан эътибор қаратиш ҳақида фикрлар билдирдилар.

НАЗМ

Юрт наволари

Ўз МТДП Сирдарё вилоят кенгаши томонидан ўтказилган анъанавий шеърият кечаси ана шундай номланди

Устозлари таърифи билан айтганда ҳаётни борлиғича тасаввур этадиган, асарлари халқ оғзаки ижодиёти билан ёзма адабиёт ўртасидаги кўприкка қиёсланган таниқли шоир Ҳаёт Шодмон ЎзМТДП вилоят кенгаши ҳамда "Сирдарё наволари" ашула ва рақс ансамбли томонидан ўтказилган назм ва наво кечасининг навбатдаги меҳмони бўлди.

Ҳаёт Шодмоннинг шеърлари содда, мағзи тўқ, бахшиёна, ўз оҳангига эга бўлганлиги учун ҳамиша севиб ўқилади, тезда ёдда қолади, қўшиқларга айланиб кетади, дея таъриф этилганидек, унинг бир нечта шеърлари ҳозирда таниқли санъаткорлар томонидан қўшиқ бўлишга улгурган.

Кечада шоир қаламига мансуб бўлган шеърларга басталанган қўшиқлар ҳаваскорлар билан бир қаторда Динара Холиқова, Зулайҳо Нишонбоева, Дилмурод бахши, Ҳилола Эргашева, Аббос Ғуломов каби ёш хонандалар томонидан ижро этилди. Шунингдек, тадбирда Ҳаёт Шодмоннинг устозлари, яқинлари ва ижодкорлар унинг халқона ижодига баҳо бериб, шеъриятга кириб келиши, "Давкар элим", "Ўлан тўшак" номли шеърий тўпламларининг чоп этилиши билан боғлиқ воқеаларни сўзлаб ўтишди.

Гарчи шеъриятга кеч кириб келган бўлсада, айни вақтда сон-саноқсиз мухлислар қалбига йўл топа олган, кимгадир шогирд, кимгадир устоз сифатида ўз бурчини адо этиб келаётган, халқона шеърият қуйчиси Ҳаёт Шодмон билан бўлиб ўтган учрашув барчада катта таассурот қолдирди.

Шеърхонлик, дил изҳорлари ва қўшиқлар билан ҳамоҳангликдаги тадбир фаол иштирокчилар ва кеча меҳмонига партия вилоят кенгашининг эсдалик совғаларининг топширилиши билан якунланди.

Махфират МАҲКАМОВА, ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" раҳбари

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

Мустақиллик – ўзликни англашдир

истиқлол юрт тинчлиги ва барқарорлигини таъминлаб, инсон манфаати ва демократик жамиятнинг гарови бўлмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбарининг ана шу тарихий маърузасидан кейин орадан ўтган вақт мобайнида ҳам Ватанимизда фаол демократик ўзгаришлар, кенг миқёсли ислоҳотлар изчил давом этиб, жаҳонда кечаётган молиявий-иқтисодий инқирозга қарамасдан Ўзбекистон иқтисодий-ижтимоий тараққиётнинг юксак кўрсатчикларига эришмоқда.

Мустақиллик туфайли дунё харитасида янги ўзбек давлатининг пайдо бўлиши ва унинг халқаро ҳамжамиятдан муносиб ўрин эгаллаши, халқимиз ва миллатимиз номи жаҳонга танилиши биз учун беқиёс тарихий воқеадир. Истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари бошчилигида эришилган улкан ютуқларни бугун санаб адоғига етказиш мушкул. Аслида бу муваффақиятлар мевасини ҳар бир фуқаро ўз ҳаётида, оиласида, фарзандлари тақдирида кўриб, билиб турибди. Шундай бўлсада, истиқлолнинг дастлабки йилларида Президентимиз томонидан айтилган **"Мустақилликнинг олий мақсади – ўзбек халқининг иззатини жойига қўйиш"** деган улуғвор мақсад бугун ҳаётда ўз ижобатини топганлигини айтиб, бизу сиз ўтган давр мобайнида қандай яхши кунларни бошимиздан кечирмайлик ёки қандайин синов ва таҳдидларга дуч келмайлик миллат сифатида ҳеч қачон иззатимизни йўқотмадик, уни кимдир топташига йўл қўймадик. Чунки, биз ҳеч кимдан кам эмаслигимизни ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигимизни истиқлол берган буюк имкониятлар орқали бугунги ҳаётимиз ва келажак истиқболимиз орқали кўриб турибмиз.

Албатта, мустақиллик неъмати осмондан тушгани йўқ. Унга эришиш йўлида аждодларимиз беқиёс азиятлар чекдилар, ҳатто қурбонлар берилди. Худди шунингдек, истиқлолга эришилгандан кейинги йиллар ҳам осон кечмади. Бир сиёсий-иқтисодий тизимдан иккинчисига ўтиш билан боғлиқ табиий қийинчиликлардан ташқари, ушбу йиллар ҳар хил ғаразли кучларнинг турли-туман тазйиқлари ва ўйинларига мардонавор қарши туриш, уларни енгиб ўтишни ҳам талаб қилганини халқимиз яхши билади.

Ҳозир дунёда геосиёсий ва геостратегик таъсир учун кураш авж олаётган бир паллада Ватанимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш энг муҳим вазифа сифатида олдимизда турибди. Зеро, Юртбошимиз **"Давлатимиз ташқи сиёсатининг маъно-мазмуни ва мақсади битта – у ҳам бўлса, Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатидир"** деб алоҳида уқтириб ўтган эдилар ва бу ўгит доимо фаолиятимиз дастури бўлиши керак. Шу маънода биз ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатимизнинг мустаҳкам устуни деб – миллий манфаатларимизни биламиз.

Бугунги кунда бутун дунёни молиявий-иқтисодий инқироз ўз домига тортиб, йирик банк ва компаниялар касодга учраётганлиги, минглаб одамлар ишсиз қолиб, ижтимоий муаммолар кескинлашиб бораётганлигига гувоҳ бўлиб турибмиз. Ана шундай шароитда инқирознинг мамлакатимиз иқтисодига таъсирини камайтириш бўйича мамлакатимизда ишлаб чиқилган чоралар дастури иқтисодиётимизнинг барқарор ривожини таъминламоқда. Аслида, ўтган аср 90-йиллари бошида давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ислоҳотларнинг беш тамойили ва унинг ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилиши мамлакатимиз ва халқимиз инқирозининг салбий оқибатларини асрашда асосий омил бўлди. Айниқса, Президентимиз Ислом Каримовнинг **"Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари"** китоби дунёнинг кўпгина давлатларида турли тилларда нашр қилинаётганлиги ва ушбу асар юзасидан хорижий давлат ва жамоат арбоблари, халқаро ташкилотлар ва йирик компаниялар, банклар вакиллари ҳамда иқтисодчи олимлар ва сиёсатшунос экспертлар ижобий фикр билдираётганлигини мамлакатимиз жамоатчилиги жаҳон оммавий ахборот воситалари орқали кузатиб бормоқда. Хусусан, мазкур асар бўйича Тошкентда ўтган халқаро илмий-амалий конференцияда дунёнинг 60 мамлакати ва 30 халқаро ташкилотидан 350 нафардан зиёд сиёсат арбоблари, олимлар ва таҳлилчиларнинг иштирок этганлиги ҳам Президентимиз китобига халқаро жамоатчиликнинг қизиқиши ниҳоятда катта эканлигини кўрсатди.

Иқтисодий инқирозга қарши самарали чора-тадбирлар кўрилаётганлигини 2009 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишида эришган қуйидаги рақамлар ҳам кўрсатиб турибди. Жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,2 фоизни, хусусан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 9,1 фоизни, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 13,1 фоизни, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш 4,6 фоизни, хизмат кўрсатиш 18,5 фоизни, қурилиш ишлари ҳажмини ўсиши 32,5 фоизни ташкил этди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз миқдордаги профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларидан ошмади. Йилнинг энг қувонарли воқеаларидан яна бири – Ватанимиз ғаллакорларининг 6 миллион 610 минг тонна ғалла етиштириб, жуда катта меҳнат ғалабасига эришганлари бўлди. Бу рақамлар ортида заҳматли меҳнат ва халқ фаровонлигининг муттасил ўсиши мужассам. Шу боис ўтган ярим йил ичида аҳолининг реал даромадлари 25, 9 фоизга ошди.

Юртимизда нафақат инқирозининг олдини олиш, шу билан бирга инқироздан кейин мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий салоҳиятини янада ошириш мақсадида ҳозирданоқ улкан ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни ҳал қилиш ва таълим соҳасини ислоҳ қилишда Ўзбекистон эришган натижалар дунё аҳлини ҳайратга солмоқда. Бугун мамлакатимиз пойтахтидан тортиб, энг чекка қишлоқ ёки овулда ҳам замонавий ўқув дастурлари билан жиҳозланган, ҳар томонлама қулай ва шинам, меъморий ечими кўркам касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва мактаблар қад ростлади. Биргина мисол: шу йилнинг ўтган олти ойида 233 та умумтаълим мактаби фойдаланишга топширилди, 196 та касб-ҳунар коллежи ва 18 та академик лицей биноларини қуриш ишлари якунланмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг барча ташкилотлари, парламент қуйи палатасидаги фракцияси, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлик гуруҳларида ҳам Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган инқирозга қарши чора-тадбирлар дастури кенг ва атрофлича муҳокама қилиниб, тегишли вазифалар белгилаб олинди.

ЎзМТДП МК Ижроия қўмитаси февраль-апрель ойларида вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри партия кенгашларида Президентимизнинг **"Юксак маънавият – енгилмас куч"** ва **"Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари"** асари юзасидан семинарлар ташкил қилинди. Семинарлар ишида партия Марказий Кенгаши ва фракцияси аъзолари, партиядан сайланган халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар депутатлари, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти экспертлари, партия фаоллари, ёшлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди. Ушбу тадбирларда мамлакатимизнинг халқаро миқёсда минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш бўйича илгари сурган ташаббуслари моҳияти ва аҳамияти ҳам таҳлил қилинди. Чунки, истиқлол йилларида давлатимиз ташқи сиёсатида Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш бош мақсадлардан бири сифатида майдонга чиқди. Бу борада эришилган натижаларни бирма-бир санамасдан, биргина мисол келтирсак кўп нарса ойдинлашади. Президентимизнинг Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш ташаббуслари ва 1997 йил Тошкентда ўтказилган "Марказий Осиё – ядро қуролидан холи ҳудуд" мавзусидаги халқаро конференция - 2006 йил Семипалатинск шаҳрида Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартнома имзоланиши билан якунланди. Бу Ватанимиз ташқи сиёсатининг давлатимиз раҳбари бошчилигидаги жуда катта ютуғидир. Кейинги вақтларда Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги муҳим ўрни ва давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар ўтказиш йўлидаги кенг қамровли ва энг муҳими юртимиз ва халқимиз манфаатлари ҳамда минтақа ва мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, тинчлик-осойишталикни сақлаш, трансчегаравий дарёлар сувидан адолатли ва оқилона фойдаланиш борасидаги залворли фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи бир қатор мақола ва тадқиқотлар халқаро матбуотда эълон қилинди. ЎзМТДП ташкилотлари мамлакат раҳбарияти амалга ошираётган бундай катта қўламдаги ишларга нисбатан жамоатчилик фикрини шакллантириш, ушбу сиёсатни тарғиб-ташвиқ қилиш орқали унинг моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш мақсадида барча минтақаларда ташкил қилинган ва юқорида тилга олиб ўтилган семинар, учрашув ва давра суҳбатлари ташкил қилди.

Мазкур мулоқотларда фуқароларимиз Президентимизнинг юртимиз тинчлиги, Ватанимиз тараққиёти борасида олиб бораётган кенг қўламли сиёсатларини қўллаб-қувватлашларини, ушбу саъй-ҳаракатлар замирида Ўзбекистоннинг буюк келажагини таъминлашдек улуғвор мақсад ётганлигини очиқ-ошкор мамнуният билан эътироф этишди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг ўзига хос энг муҳим хусусияти – халқаро майдонда муносабатлар ва вазиятлар коньюктураси қай томонга қандай ўзгарган бўлмасин – биз ўз танлаган йўлимиздан, миллий манфаатларимиз ҳимоясидан орқага чекинганимиз йўқ!

Мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНЕСКО, МДҲ, ШҲТ шунингдек, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки ҳамда бошқа бир қатор обрўли халқаро сиёсий, иқтисодий, молия ташкилотлари, дунёга машҳур фирма ва компаниялар билан икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларни изчил ривожлантириб келмоқда. Айниқса, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасидаги ўзаро муносабатларимиз ва ушбу ташкилотда мамлакатимиз тутган ўрни ҳамда ШҲТнинг халқаро майдонда кун сайин ортиб бораётган обрўэътибори Ватанимиз ташқи сиёсатига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Замонавий глобаллашув жараёнларини гегемонлашувга айлантириш, таҳдид ва зўравонлик мафкурасига таянган эгоцентристик васваса ва минг йиллардан буён қўни-қўшни бўлиб яшаб келаётган халқлар орасига нифоқ солиш, минтақани ҳарбийлаштиришга уринаётган айрим давлатлар ва сиёсий кучлар ўз мақсадлари йўлида мафкуравий-ғоявий ҳамда ҳарбий-иқтисодий ресурслардан ҳам кенг фойдаланишга уринмоқдалар. Бундан ташқари Марказий Осиё давлатларини ўз таъсир доирасида ушлаб туриш, бунда керак бўлса минтақани ҳарбийлаштиришга уринишлар ҳамон давом этаётганлигини сезиб турибмиз. Буларнинг барчаси, биз қандай мураккаб халқаро вазиятда яшаётганлигимизни кўрсатиб турибди. Дунёдаги, айниқса минтақамиздаги ўзгарувчан вазиятда барқарорликни сақлаш, юртдошларимизга тинч бунёдкорлик меҳнати билан шуғулланиш учун зарур имкониятлар яратиб бериш осонликча бўлаётгани йўқ.

Истиқлол йилларида Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида амалга оширилган кенг миқёсли ислоҳотлар ҳақида гапирганимизда замонавий миллий армиямизнинг вужудга келганлигини алоҳида эътироф этиш зарур. Мудофаа доктринаси ва Миллий хавфсизлик концепцияси асосида мазмун-моҳиятан янги тамойиллар бўйича Қуролли Кучларни ташкил қилиш ва ислоҳ этиш дастури ишлаб чиқилди. Мамлакатимиз тинчлиги ва барқарорлигига, чегараларимиз дахлсизлигига ҳар қандай тажовузларга муносиб зарба берадиган, стратегик ва тактик вазифаларни юқори даражада ҳал қиладиган, яхши қуролланган, профессионал, сон жиҳатидан катта бўлмаган, лекин тезкор Қуролли Кучларни шакллантириш ушбу дастурнинг асосий вазифалари эди ва мазкур вазифалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Бундай ислоҳотлар натижасида миллий армиямизнинг қиёфаси, моҳияти ва жанговор имкониятлари тубдан ўзгарди. Муддатли ҳарбий хизматни ўташ муддати бир йилгача камайтирилди, ҳарбий қисмларнинг таркиби сифат жиҳатдан ўзгарди, қўшинларни комплектация қилиш ва уларни зарур қурол-яроғлар билан таъминлаш тизими кучайтирилди, контракт асосида хизмат қилишга ўтиш жараёнлари қарийб якунланди. Президентимиз ташаббуси билан сержантлар тайёрлаш мактабларини ташкил қилиш ва уларни замонавий ўқув-жанговор жиҳозлар билан таъминлаш Қуролли Кучларнинг жанговор тайёргарлигини тубдан оширди, ҳарбий қисмларда соғлом маънавий муҳитни вужудга келтирди. Бугун Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш Ўзбекистон фуқароларининг нафақат бурчи, шу билан бирга у энг юксак мақомдаги мутахассисликка айланиб бормоқда. Бунинг далили сифатида кейинги пайтларда Қуролли Кучларга муддатли ҳарбий хизматга чақириш танлов асосида ўтказилаётганлигини мисол сифатида келтириш мумкин. Армия сафларига хизматга келган ёшларимиз бу ерда фақат ҳарбий мутахассисликни эгаллаш билан чекланганлари йўқ. Ҳам жисмонан, ҳам маънан чиниқиб қатъий иродага ва ҳаётий позицияга ҳам эга бўлишмоқда.

Истиқлол имкониятлари ҳақида сўз юритар эканмиз, мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш бош стратегик мақсад сифатида белгиланиб, мустақиллик йилларида бу борада салмоқли ишлар амалга оширилди. Ўзбекистоннинг демократик, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш дастури энг аввало миллий манфаатларимизга хизмат қилувчи стратегия сифатида майдонга чиқди. Юртимиздаги кенг миқёсли ўзгаришлар халқимизнинг бой ва бетакрор тарихи ва анъаналари, мустақиллик шарофати билан ўзгариб бораётган тафаккури ва дунёқараши, бунёдкорлик салоҳиятидан куч олмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган **"Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"**ги Конституциявий Қонун давлатимиз раҳбари раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми ҳамда ислоҳотлар ва ўзгаришларнинг босқичма-босқичлик тамойилига тўла жавоб берадиган тарихий ҳужжатдир. Мазкур қонун сиёсий партияларнинг истиқлол йилларида тўплаган сиёсий тажрибасига ва мавжуд имкониятларига ҳамда энг муҳими амалий фаолиятига билдирилган катта ишончнинг маҳсулидир. Шу ўринда янгиланган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг асосий дастурий мақсадлари ҳақида гапирганимизда, аввало, миллий анъаналарни ва қадриятларни сақлаш, ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш, фан-техника тараққиётини ва Ўзбекистоннинг глобаллашиб бораётган жаҳонда муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, биз фахрланадиган миллий анъаналар ва қадриятларимизни сақлаб қолиш тарафдорлари бўлган инсонлар манфаатларини ҳимоя қилиш сингари вазифалар кўз олдимизда гавдаланади. Миллий қадриятларни тиклаш, бой ва бетакрор тарихий-маданий меросимизни ҳаққоний ўрганишда мустақиллик йилларида халқаро миқёсда нишонланган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қарши сингари қадимий шаҳарларимиз ҳамда Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Мирзо Улуғбек, Бурҳониддин Марғиноний, Баҳовуддин Нақшбанд, Имом Бухорий сингари буюк давлат арболари ва алломаларимиз, шунингдек "Авесто" ва "Алпомиш" каби маънавий обидаларнинг юбилейлари ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ҳозирда бутун мамлакатимиз пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тўйига пухта ҳозирлик кўрмоқда. Партиямиз мустақиллик йилларида бошлаган миллий қадриятларни тиклаш, ўзликни англаш, миллий ғояни шакллантириш ва миллий мустақиллик мафкурасини мустаҳкамлаш, халқнинг маънавий ҳаётида ўзбекона урф-одат ва анъаналарни тиклаш каби хайрли ишларни изчил, босқичма-босқич ва тизимли равишда давом эттириш тарафдоридир. Ушбу ишни сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш, унинг самарадорлигини оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш олдимизда турган вазифалардан деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистоннинг янги халқаро шароитларда ва геосиёсий воқеликда миллий манфаатларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш юзасидан амалий қадамларининг тактик ва стратегик мақсадлари ҳамда вазифалари замирида миллий тикланиш ва ривожланишнинг умумий мафкураси ва кенг қамровли дастури мавжуд. Шу боис **Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, Халқ фаровонлиги** – умуммиллий ғояси атрофида жамиятимизни бирлаштиришга асосланган Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлини "Миллий тикланиш" демократик партияси қўллаб-қувватлайди. Бундан ташқари Ўзбекистонда умуммиллий манфаатлар устуворлигига асосланган мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигини, миллатлараро ва динлараро тотувликни ҳамда ўзаро тушунишни янада мустаҳкамлашга партия бор куч ва имкониятларини сафарбар қилади. Ватанимиз демократик йўлдан ривожланиб борар экан, ижтимоий ва маънавий ҳаётимиз умуминсоний ҳамда миллий қадриятлар муштараклигига асосланиши миллий манфаатларимизга жавоб берадиган энг мақбул йўл деб ҳисоблаймиз. Худди ана шу сиёсий йўл ва маслакни қўллаб-қувватлайдиган, миллий манфаатларимиз ва қадриятларимиз учун курашадиган фуқаролар партиямиз ижтимоий қатламини ташкил қилади.

Бугун Ўзбекистон тенглар ичида – тенг, ўзбекистонликлар эса ҳуррият ҳавосидан тўйиб нафас олаётган, ҳеч кимдан кам бўлмаган халқ – миллатга айланди. Табиийки, бундай тенглик ва ҳуррият қуруқ сўзлардан иборат эмас. Унинг замирида улкан бунёдкорлик, мардлик, жасорат эвазига эришилган иқтисодий ютуқлар, жумладан, яқин ўтмишда мутлақо хаёлий бўлиб туюлган автомобилсозлик саноати, Бойсун тоғлари бағрини ва Қизилқум сахросини кесиб ўтган, мамлакатимизда мавжуд бўлган бой минерал захираларнинг ўзлаштиришига йўл ва қўшимча имкониятлар очиб берган замонавий темир йўллар каби улуғвор ишлар ётади. Бу каби залворли ютуқлар ва белгиланган кенг қўламли вазифаларга амалий ишлар билан ҳисса қўшиш ва юртимизда бўлаётган воқеа ва ўзгаришларга ўзини дахлдор деб билиш ҳар биримизнинг юрак амримиздир.

Ҳозир дунёда геосиёсий ва геостратегик таъсир учун кураш авж олаётган бир паллада Ватанимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш энг муҳим вазифа сифатида олдимизда турибди.

Шу маънода биз ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатимизнинг мустаҳкам устуни деб – миллий манфаатларимизни биламиз.

Истиқлол йилларида Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида амалга оширилган кенг миқёсли ислоҳотлар ҳақида гапирганимизда замонавий миллий армиямизнинг вужудга келганлигини алоҳида эътироф этиш зарур. Мудофаа доктринаси ва Миллий хавфсизлик концепцияси асосида мазмун-моҳиятан янги тамойиллар бўйича Қуролли Кучларни ташкил қилиш ва ислоҳ этиш дастури ишлаб чиқилди.



ТАРАДДУД

"Шарқ тароналари"

жорий йилнинг 25-29 август кунлари Самарқанд шаҳрида еттинчи анъанавий мусиқа фестивали бўлиб ўтади

(Давоми. Боши 1-бетда)

Фестивалда халқимизнинг бой оғзаки ижоди намуналари, қўшиқ ва лапарлар, миллий ўйинлар, маросим қўшиқлари орқали меҳмонларга халқимизнинг энг қадимий санъат намуналарини намойиш этишга астойдил тараддуд кўрилмоқда. Аввалги фестивалларда ҳам иштирок этиб, халқимизнинг бой оғзаки ижоди намуналарини намойиш этаётган "Офарин", "Суғдиёна" каби рақс ансамблари, Ургутнинг "Бешқарсак", Булунғур туманининг "Чавқи", Пайариқнинг "Чинор" ва Оқдарё туманидан "Миёнқол" этнографик дасталари фестиваль иштирокчиларига янада хушкайфият бағишлаши шубҳасиз.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ҚАРОР ВА ИЖРО

Она ва бола саломатлиги

дастури—амалда

Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиалида Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги 2009 йил 1 июлдаги қарорлари ижросини таъминлашга бағишлаб матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Уни филиал директори Эльвира Маракаева кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси муовини Н.Тўраева, Республика Репродуктив саломатлик маркази раҳбари Д.Ҳасанова, "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар таянч маскани раҳбари М.Маҳкамбоева, Республика Саломатлик ва тиббий статистика институти мониторинг бўлими бошлиғи А.Турсунбоев, Тошкент шаҳар "Маҳалла" жамғармаси, оила, хотин-қизлар йўналиши қадрият давраси раиси А.Азизова, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ССББнинг бош мутахассиси Д.Исамуҳаммедова ва Юнусобод тумани ФҲДЁ мудираси М.Юлдашева сўзга чиқиб, юқорида тилга олинган қарорларнинг қабул қилиниши юртимизда оналик ва болалик, соғлом авлодни шакллантиришда асосий омил бўлаётганлиги, соғлом онадан- соғлом фарзанднинг дунёга келишида тиббий кўрикнинг аҳамияти ниҳоятда катта эканлигини алоҳида таъкидлашди. Сўзга чиққанлар камқонлик, боланинг тўғри ривожланмаслиги, муддатидан илгари туғилиши каби турли касалликларни олдини олиш борасида аҳолига керакли маслаҳатлар ва ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларига янада эътиборни кучайтириш, бу борада маҳаллалар, олий ўқув юртлари, коллеж ва лицейларда "Соғлом ёшлар-бизнинг келажагимиз", "Репродуктив саломатлик", "Қизлар гигиенаси" ҳамда "Тиббий кўрикнинг аҳамияти" мавзуларида қатор тадбирлар, савол-жавоб кечалари ўтказиб келинаётгани ҳақида гапирдилар.

Тадбир сўнгида қатнашчилар мутахассислардан ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олдилар.

Мухлиса МУҲИТДИНОВА,
Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали матбуот котиби

ҲУНАРМАНДЧИЛИК

Ўзбек мўъжизаси

Республика “Ҳунарманд” уюшмаси таркибидаги 16 минг ҳунарманд томонидан ишлаб чиқарилаётган сурхон кашталари, Андижон дўппилари-ю, Марғилон адраслари, Шаҳрисабзнинг “Ироқи” кашталари жаҳон юзини кўрмоқда

Истиқлол йилларида мамлакатимизда халқимизнинг бир неча минг йиллик бой ва бебаҳо миллий қадриятларини қайта тиклаш, эзгу анъаналаримизни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, асрлар давомида аждодларимиз томонидан эъзозлаб келинган ва маданиятимизнинг ажралмас қисми бўлган ҳунармандчиликни ривожлантириш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

Камолиддин ҲОТАМОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

ЭНГ АҲАМИ□ТЛИСИ...

Бу борада Президентимизнинг 1997 йилда қабул қилинган **“Халқ амалий санъати ва бадиий ҳунармандчиликни ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Фармони муҳим дастуриламал бўлмоқда. Фармонга мувофиқ “Ҳунарманд” уюшмаси ташкил этилиб, унда халқ амалий-бадиий санъати анъаналари асосида фаолият кўрсатаётган мусаввирлар, халқ усталари ва ҳунармандлар жалб этилди. Айни пайтда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида 14 та бошқарма ва 10 та бўлим фаолият кўрсатиб келмоқда.

Уюшма ўз олдига халқ усталари ва ҳунармандларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, зарур хомашё, асбоб-ускуналар билан таъминлаш, улар ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотиш ва экспорт қилишга ёрдам бериш, мамлакатимиз ва хорижда халқ ҳунармандлари тайёрлаган маҳсулотларни кенг тарғиб қилиш каби мақсадларни қўйган. Олинган маълумотларга кўра, мазкур уюшманинг таркибига 16000 дан ортиқ ҳунарманд бириктирилган бўлиб, улар 33 йўналишда мингга яқин маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар.

Мустақиллик шарофати билан ҳунармандларнинг ҳам елкасига офтоб тегди. Улар эркин маҳсулот ишлаб чиқариш ва бозорларда савдо қилиш имкониятига эга бўлди. Ҳозирги кунда мамлакатимиз уста-ҳунармандлари шарқ миниатюрасининг қоғоз, мато, тери, шойи ҳамда ёғоч буюмлар, ҳунармандчиликнинг кулолчилик, ёғоч, ганч ўймакорлиги, мисгарлик, миллий каштачилик, кандакорлик заргарлик, тоштарошлик, сандиқсозлик, бешикчилик, тўқима, чинни буюмлар ишлаш, ип ва шойи матолар тўқиш сингари турлари билан шуғулланмоқда. Аҳамиятлиси шундаки, уста-ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тури ва ҳажми кундан-кунга ортиб бораётир. Маҳсулотнинг харидоргир бўлиши учун уста ва ҳунармандлар сифат ва қулайликка, ташқи безакларнинг бетакрорлигига алоҳида аҳамият бермоқдалар.

АМИР ТЕМУР ГИЛАМИ

– Республика “Ҳунарманд” уюшмаси томонидан халқ амалий санъати ва бадиий ҳунармандчиликнинг йўқолиб кетган турларини қайта тиклаш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда, – дейди Республика “Ҳунарманд” уюшмаси маркетинг бўлими бошлиғи Розия Шарипова. – Масалан, халқ усталари томонидан Наманган вилоятидаги Ғурумсарой кулолчилик мактабида ипак тўқиш, матоларга табиий бўёқ бериш, Сурхондарёда қадим каштачилик анъаналари, Андижон вилоятида дўппини оқпар услубида тикиш, Тошкент кулолчилик мактаблари шулар жумласидан. Шунингдек, азалдан ипак матолари билан машҳур бўлган Марғилон ҳунармандлари адраснинг қадимги Банорас ва Кудин каби турларини қайта тиклашди. Бундан ташқари машҳур мусаввир Камолиддин Беҳзод асарларида тасвирланган, Бобомиз Амир Темур давридаги сипоҳларнинг тагига тўшалган гилам фарғоналик ҳунармандлар томонидан қайта тикланди. Бундан 100 йил илгари ипакдан тўқиладиган Ғажари бўғжама бойсунлик ҳунармандлар томонидан қайта тикланяпти. Уюшмамизнинг Шаҳрисабз ҳудудий бўлими томонидан Халима Бобоқулова мактабида узоқ тарихга эга бўлган “Ироқи” каштаси тикилаяпти.

Айниқса, ёш йигит–қизларимизнинг аждодларимиз турмушида муҳим ўрин тутган халқ ҳунармандчилигига бўлган қизиқиши кучайиб бораётгани қувонарлидир. Зеро, бу соҳа ўз анъаналари, авлоддан-авлодга ўтиши билан тирик. Бунда ҳаётга изчил татбиқ этилаётган “Уста-шогирд” дастури катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Мамлакатимиз ҳунармандларининг миллий қадриятларимизни қайта тиклаш ва ривожлантириш, анъаналаримизни ўсиб келаётган ёш авлодга етказиш ҳамда уларни аждодларимиз меросига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига қўшаётган ҳиссалари муносиб баҳоланмоқда. Уюшма усталари ҳар йили ўтказиладиган “Ташаббус” кўрик–танловида, Мустақиллик, Наврўз байрамлари муносабати билан уюштириладиган кўргазмаларда фаол иштирок этмоқда. Бу йилги танловда бухоролик заргар уста Алишер Ҳайдаров тақинчоқлар ясаш бўйича иштирок этиб, ғолиб бўлди ва Президент соврини “Матиз” автомашинаси билан тақдирланди. Шунингдек, Германия, Франция, Туркия, Россия каби давлатларда бўлиб ўтган халқаро кўргазмаларда қарийб мингдан ортиқ маҳаллий ҳунармандларимиз иштирок этиб ўз маҳсулотларини намойиш этди.

Айниқса, ёш йигит–қизларимизнинг аждодларимиз турмушида муҳим ўрин тутган халқ ҳунармандчилигига бўлган қизиқиши кучайиб бораётгани қувонарлидир. Зеро, бу соҳа ўз анъаналари, авлоддан-авлодга ўтиши билан тирик. Бунда ҳаётга изчил татбиқ этилаётган “Уста-шогирд” дастури катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

– “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” давлат Дастурида Республика “Ҳунарманд” уюшмаси зиммасига кам таъминланган оилалар фарзандларини халқ ҳунармандчилиги бўйича ўқитиш вазифаси юклатилган,– дейди Республика “Ҳунарманд” уюшмаси кадрлар касб маҳоратини ривожлантириш бўлими бошлиғи Лутфия Мирзаева. – Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, “Маҳалла” жамғармаси, Ўрта–махсус, касб–ҳунар таълими маркази, Республика Камолот ЁИҲ Марказий Кенгаши ва Республика “Ҳунарманд” уюшмасининг “Кам таъминланган оилалардан ўсмирларни миллий ва халқ ҳунармандчилигига “Уста – шогирд” анъанаси бўйича касб-ҳунарга ўргатишни ташкил этиш тўғрисида”ги қўшма қарори қабул қилинди. Натижада Республика бўйича “Ҳунарманд” уюшмасининг бошқармалари ва бўлимлари қошида 150 га яқин “Уста – шогирд” мактаблари ташкил қилинди ва уларда 820 нафар ёшлар ўқитилмоқда. Биргина Хоразм вилоятида бугунги кунда 20 га яқин “Уста – шогирд” мактабида 60 нафардан ортиқ ўғил-қиз халқ ҳунармандчилигининг 10 га яқин турларини ўрганишмоқда. Демак, ўзбек халқ амалий санъати, бадиий ҳунармандчилиги анъаналари давом этаверади.

МАЪНАВИЯТ

МУЛОҲАЗА

Буюклик болаликдан бошланади

(Давоми. Боши 1-бетда)

Аслида, сизнинг узугингизни мана бу ғозимиз ютиб юборганди. Дарҳол ғозни сўйишибди. Жиғилдонини текширишса тилла узук турган экан.

Буюклар болалик ҳаётидан бунга ўхшаш ибратли воқеаларни кўплаб мисол келтириш мумкин. Ҳазрат Навоий 4 ёшидаёқ мактабга борган. Алишер 4 ёшида кўплаб ғазал ва кичик рисолаларни ёддан билган. Австралиялик буюк композитор Моцарт дастлабки мусиқаларини 4 ёшида басталаган. Хуллас, мутафаккирлар таъкидлашганидай 7 ёшгача боланинг истеъдод куртаклари намоён бўлади, онги шаклланади. Мамлакатимизда шу ёшгача бўлган болалар тарбияси билан оилалардан ташқари мактабгача тарбия муассасалари шуғулланади. Шундай экан, мавжуд мактабгача тарбия муассасаларимиз болаларда намоён бўлган истеъдод куртакларини авайлаб-асраш, уларни янада камол топтириш, фарзандларимиз онгини аждодларимиз шонли анъанаси ва ҳозирги кун тараққиётига мос равишда шакллантириш имкониятига эгами?!

Аввало, фахр-ифтихор билан эътироф этишимиз лозим, мустақиллик йилларида буюк келажагимиз асоси бўлган таълим-тарбия тизимини ривожлантириш давлат сиёсатининг узвий бир қисми, устувор йўналишига айланди. Даставвал олий ўқув юртларида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Жойларда фаолият кўрсатаётган ўқув даргоҳларига университет, институт мақомлари берилди. Юртимизга керакли мутахассисликлар бўйича янги олий ўқув юртлари очилди. Уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Ўқув қўлланма ва қуроллари, керакли жиҳозлар билан таъминланди. Шу билан бирга иқтидорли талабаларнинг чет элдаги нуфузли университетларда таҳсил олишига, профессор-ўқитувчиларнинг хориждаги олий ўқув юртларида тажрибаларини ошириб келишларига имконият яратилди. Бир сўз билан айтганда, олий ўқув юртлари таълим-тарбия тизими замон талаблари даражасига кўтарилди. Олий ўқув юртларидаги илгариги шароит билан ҳозиргиси, илгариги студентлар ётоқхонаси билан ҳозирги талабалар турар жойи ўртасида ер билан осмонча фарқ бор десак, сира муболаға қилмаган бўламиз.

Юртимизда таълим-тарбиянинг ўрта бўғини — академик лицей ва коллежлар ўқув тизими жадал суръатларда жорий этилди. Лицей ва коллежларнинг бинолари Юртбошимиз тасдиқлаб берган намунавий лойиҳа асосида қуриляпти. Шу боис пойтахтимиздагина эмас, чекка туманларда қурилган лицей ёки коллеж биносини кўрган кишининг ҳаваси келади.

Бир ҳамкасбимизнинг ёзишича, туман йўлида автобусда кетаётган чет эллик сайёҳлар муҳташам бинони кўриб, бу қайси компаниянинг биноси деб сўрашади. Улар йўлбошчининг “бу коллеж” деган жавобидан қониқишмайди. Ишонишмасдан автобусдан тушишади, бинони кўриб коллеж эканига ишонч ҳосил қилишади. Сайёҳлар коллеждаги жиҳозланган алоҳида фан хоналари, лингафон, компьютер хоналари, ахборот-ресурс маркази, спорт зали ва майдонларини кўришиб ҳайратланишади. Чиндан ҳам кейинги ўн йил ичида академик лицей ва коллеж ўқув тизимини жорий этиш борасида ҳайратга соладиган ишлар бажарилди.

Давлат дастурига мувофиқ мамлакатимиздаги барча мавжуд мактаб ё қайтадан қурилади, ё тубдан таъмирланади, ё замон талаблари асосида таъмирдан чиқарилади. Бунда ҳар бир мактабда алоҳида фан хоналари, лингафон, компьютер хоналари, ахборот-ресурс маркази, спорт зали ва майдонлари бўлиши ҳисобга олинади. Шунингдек, ҳар бир мактаб замонавий жиҳозлар, дарсликларнинг янги авлоди, методик ва бадиий китоблар, кўргазмали ўқув қуроллари билан таъминланади. Ҳозирги кунда бундай кенг қамровли иш ниҳоясига етиб бораяпти.

Мустақиллик байрами нафаси уфуриб турган шу кунларда мамлакатимизда ё олий ўқув юрти, ё коллеж, ё лицей ё мактабнинг янги биноси қуриб битказилгани тўғрисида хушхабар тараляпти. Бундай хушхабарлардан кўнгил тоғдек кўтарилади. Бироқ, юртимизнинг қаерида шарқона андоза ва замон талабларига мос муҳташам мактабгача тарбия муассасаси қуриляпти? Тўғри, мактабгача тарбия муассасаларимиз бор. Улар 20, 30 ва ундан кўпроқ йилдан буён туришибди. Агар сувоғи кўчса сувалади, ранги ўчса оқланади ё бўялади. Айримларининг ҳовлисига кирсангиз, бостирма ва унинг тагидаги узун ёғоч ўриндиқларга кўзингиз тушади. Ёнида рус халқ эртакларидаги ялмоғиз кампирнинг ёғоч кулбачаси, икки-учта замбуруғли соябон, Буратино, Маугли, Букри тойчоқ каби эртак қаҳрамонларига ҳайкал ўрнатилган ё расмлари чизилган. Ахир бизнинг шарқона айвонларимиз борку. Эртакларимизда учар гиламлар, қанотли отлар, Бахт (Хумо) қуши ҳақида сўзланадику. Алпомиш, Барчин, Кенжа Ботир, Ғирот каби достон-эртак қаҳрамонлари қалбимиздан жой олганку!

Бу муассасаларнинг ичига кирсангиз, болалар ётадиган хона, мусиқа, жисмоний тарбия билан шуғулланадиган хоналарнинг баландлиги бир хил. Жиҳозлар ҳам шунга яраша. Ўйинчоқ-қўғирчоқларга назар ташласангиз, уларнинг ёши болалардангина эмас, боғча опаларнинг ёшидан ҳам каттароқ. Ҳолбуки, Президентимиз “Юксак маънавият — енгилмас куч” китобида ўйинчоқ-қўғирчоқлар ҳам болалар тарбиясида муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаганлар.

Халқимизда “Тегирмон навбати билан” деган нақл бор. Юртимизда олий ўқув юртлари, академик лицей ва коллежлар, мактабларда таълим-тарбия ишларини замон талаблари даражасида ташкил этиш бўйича жуда катта тажриба тўпланди. Энди тўпланган бу тажрибани мактабгача тарбия муассасалари ишини такомиллаштиришга жорий этсак, нур устига аъло нур бўлади. Чунки, мактабгача тарбия муассасаларида эртанги кунимизнинг эгалари, мамлакатимизнинг бўлғуси хоразмийлари, беруний лари, ибн-синолари, наваоийлари, увайсийлари улғайишаяпти. Уларнинг ялт этган истеъдодларини илғаш, авайлаб-асраш ва камол топтириш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Шукурки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда замон талабларига мос, кўрган кишининг ҳавасини келтирадиган олий ўқув юртлари, лицей-коллежлар, мактаблар бунёд қилинди. Ишончим комил, юртимизда Буюк Ўзбекистонимиз эгалари бўлган фарзандларимиз учун миллий анъаналаримизга мос, ҳозирги илм-фан техника ва ҳунармандчилигимиз ютуқлари асосида жиҳозланган, ким кўрса ҳавас қиладиган муҳташам мактабгача тарбия муассасалари мажмуалари барпо этилади.

МУТОЛАА

Бошловчилик санъати

Байрамларимиз, тўйларимизнинг мазмунли ўтишида бошловчининг ўрни беқиёс. Унинг даврага мос шеър, мақол, ҳикматли гаплари, тўйларни янада ҳам қизитади, ўзгача руҳ бахш этади. Таниқли ношир ва олим Наримон Ҳотамовнинг “Даврага шеър улашинг” номли китоби байраму тантаналаримизга мос қўлланма сифатида дунёга келган. Мазкур бошловчилик китобига атоқли маданияткунос олим ва жамоат арбоби Наим Ғойипов сўзбоши ёзган. Таниқли олимлар Тўра Мирзаев, Маҳмуд Сатторов тақриз битишган.

Ушбу китоб байрам, тантана, базмларга оид шеър, ҳикматли сўзлар, мақоллардан ташкил топган. Айниқса китобдаги шеърлар, тўю тантаналаримизга жуда ҳам мос тушиши билан ажралиб туради. Сиз даврага чиқиб келин-куёвга, яъни ёшларга атаб 2 мисра шеър ўқисангиз қанчалик ажойиб чиқади. Биринчидан, даврага мос тушиб кайфиятни кўтаради, иккинчидан келин-куёвнинг, даврада ўтирганларнинг ҳеч қачон ёдидан чиқмайди. Учинчидан, келин-куёвга ҳам яхши ниятлар билдирган бўласиз. Китобнинг яна бир диққатга сазовор жиҳатларидан бири шундаки, тўплам муаллифи Наримон Ҳотамов ўз китобини 12 фаслга бўлади: тўй, ота-онага ҳурмат, аёл васфи, одамийлик хислати, дўстлик туйғуси, фарзандлар тарбияси, ватанга муҳаббат, она тили, устоз-шогирд, камтарлик, байрамлар, йигит-қизлар ҳақида каби фасллардан иборат. Ушбу китоб нафақат тўй базмларимизга дахлдор, балки фарзандлар тарбияси, дўстлик, одамийлик, ватанга садоқат каби мавзуларни ҳам қамраб олган.

“Даврага шеър улашинг” китобида урф-одатларимиз ва анъаналаримизга боғлиқ муаммолар ҳам ёритилган. Масалан дастурхоннинг ҳаддан зиёд тўкин-сочин бўлиши, исрофгарчилик, совға-саломлар, табриклар, бетартиб пул сочишлар буларнинг барчаси тўй-базмларда тўқликка шўхлик каби салбий иллатлардир. Китобни ўқир экансиз, муаллифнинг кўпни кўрган, тўю байрамларимиздаги ижобий ва салбий жиҳатларни ипидан игнасигача ўрганиб чиққанлигига амин бўласиз. Китобда жамланган шеърлар шундай танланганки, бир бор кўз югуртирсангиз ёдингизда қолади. Сабаби — шеърлар дилга яқин, содда, равон тилда ёзилган. Бу Наримон Ҳотамовнинг удум-анъаналаримиз, тўю байрамларимиз, миллий қадриятларимизни чуқур билишидан далолат беради. Хулоса қилиб айтганда, Наримон Ҳотамовнинг “Даврага шеър улашинг” номли китоби ўзбек миллий маданияти хазинаси, хусусан, удум-шунослигимизни бойитишда ўзига хос ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Дилдора ИСАМУҲАММЕДОВА

ЖАРАЁН

ТАЪЛИМ

Етук кадрларни тайёрлаш – асосий мақсадимиз

Самарқанд иқтисодиёт коллежи ўқитувчи ва ўқувчилари ана шундай шиорга амал қилишмоқда

Ёшларнинг касб эгаллаши, ҳаётда ўз ўрнини топиши, келажакда баркамол, ватанга муносиб фарзанд бўлиб вояга етишида коллежларнинг ўрни беқиёсдир. Бугун ҳукуматимиз томонидан барпо этилаётган замонавий билим юртларида минглаб йигит-қизларимиз ўзлари танлаган соҳа бўйича касб сирларини ўрганишмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури, "Таълим тўғрисида"ги қонунда белгиланган талабларнинг ижроси республикамизнинг барча ҳудудларида ўз самарасини бермоқда. Самарқанд иқтисодиёт коллежи ҳам воҳадаги ана шундай намунали ўқув масканларидан бири десак муболаға бўлмайди.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

- "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурида таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари белгилаб берилган. Таълим халқимизнинг миллий тикланиши, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий тараққиётининг асоси бўлиб, ёшларимизга жамият ва оила олдидаги ўз фуқаролик бурчини ҳис қилиш вазифасини юклайди,-дейди коллеж директори, иқтисод фанлари номзоди Худойназар Эргашев. - Шунингдек, биз учун ҳам чуқур билим ва малакага эга, маънан ва жисмонан соғлом ёш авлодни камол топтириш асосий вазифадир.

Коллежда ёшларнинг ўз-ўзини бошқаришлари, эркин фикр билдиришларига эришиш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ўқувчиларни "Камолот" ёшлар ҳаракати билан ошно тутунишига замин яратилган. «Фуқаролик жамиятида ёшларнинг ўрни», "Миллий ғоя ва тарбия" мавзуларида давра суҳбатлари, мулоқотлар ташкил этилмоқда. Коллежга ўқувчиларнинг ота-оналари, шаҳар жамоатчилиги, маҳалла оқсоқоллари доимий равишда таклиф этилади. Улар коллеж ҳаёти билан танишиш, амалий машғулотларда иштирок этиш имкониятига эгалар. Шунингдек, коллежда мустақил фикрлаш, миллий ғоя ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан қараш каби масалаларга алоҳида эътибор берилиб, миллийлигимизга ёт, зарарли таъсирларга қарши курашишга қодир йигит қизларни тарбиялаш мақсадида "Биз Ўзбекистон ёшларимиз", "Шу азиз Ватан - барчамизники" шиорлари остида кўрик танловлар ўтказилади. Самарқанд иқтисодиёт коллежида ҳисоб-иқтисод, молия ва менежмент, банк иши ва тижорат, солиқ ва ҳуқуқшунослик каби бўлимлар мавжуд. Ўқувчиларнинг билим олишлари ва дарслардан ташқари бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун 46 та фан, спорт, бадиий ҳаваскорлик ва тикишбичиш тўгараклари ташкил этилган. Бунинг натижаси ўлароқ "Солиқ билимлари — болаларга" кўрик-танловининг республика босқичида солиқ ва солиққа тортиш бўлими талабаси Нодир Қудратов иштирок этиб, фахрли 2-ўринга муносиб кўрилди. "Шахс ва жамият" фанидан ўтказилган кўрик-танловнинг вилоят босқичида 2-босқич талабаси Шерзод Норқозоқов 1-ўринни эгаллади. Коллежда бир неча йилдан буён "Устоз-шогирд мактаби" ташкил этилган бўлиб, ҳар ойда ёш ўқитувчилар учун машғулотлар ўтказилиб келинади.

Юртимиз равнақига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшувчи ёш авлодни тарбиялаш ва юксак истеъдод соҳибларига тегишли соҳалар ва фаннинг аниқ йўналишлари бўйича ўз қобилиятларини намоён этиши, уни шакллантириши учун шароит яратиш мақсадида коллежда "Иқтидорли болалар билан ишлаш" бўлими ташкил этилган...

Бундан ташқари, талаба ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва гиёҳвандликнинг зарарли оқибатлари,бу каби иллатларга ружу қўйишнинг олдини олиш мақсадида прокуратура, ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати ходимлари, диний қўмита вакиллари иштирокида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилиши ҳам диққатга сазовор. Бу каби тадбирлар таълим ва тарбия жараёнида, ёшларни ватанга муҳаббат, юртга садоқат руҳида тарбиялашга, унинг тақдирини ўзиники деб билишга ундайди.

ФАОЛИЯТ

Қонунийликни, холисона тергов ва одил судловни таъминлаш ҳуқуқ-тартибот идораларининг энг муҳим вазифаси. Бу масалани ҳал этишда махсус билимларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятига татбиқ этишнинг асосий процессуал институти бўлган суд-экспертизанинг ўрни алоҳида.

ДНК экспертизаси

янги босқичда

Саттор ОТАХЎЖАЕВ,
Х.Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза маркази бошлиғи

Республикада етакчи суд-экспертиза муассасаси ҳисобланган Адлия вазирлиги қошидаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза марказида криминалистика ва суд-экспертиза соҳасидаги илғор ютуқлардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилган. Экспертизанинг янги турларини ўзлаштириш ва амалиётга татбиқ этиш борасида тинмай изланишлар олиб борилмоқда.

2000 йилда марказда Марказий Осиё минтақасида биринчи бўлиб молекуляр генетика фанининг охирги ютуқларига асосланган суд-экспертизасининг янги тури бўлган — "Одам ДНКси суд-биологик экспертизаси" лабораторияси ташкил этилиши бунга мисолдир.

Замонавий молекуляр генетик услубларга асосланган одам ДНКси суд-биологик экспертизаси энг оғир ва мураккаб жиноятларни фош этишнинг самарали усулларидан бири ҳисобланади. Айниқса, хуфёна содир этилган жиноятлар бўйича жиноятчи ва жабрланувчининг шахсини аниқлаш, муаммоли фуқаролик низоларини ҳал қилиш учун бу экспертизанинг аҳамияти беқиёсдир.

Ўз таркибида ДНК молекулаларини сақлайдиган ҳар қандай одам биологик материаллари, жумладан, қон, маний, сўлак, сочлар, тўқималар, органлар, бўлакланган тана қолдиқлари, оғиз бўшлиғидан олинган суртма, ажратмалар, қон ва тана ажратмаларининг қуриб қолган излари, тишлар, аборт қилинган материал, мурда объектлари, суяклар ва суяк фрагментлари, юмшоқ тўқималар одам ДНКси суд-биологик экспертизаси объектлари ҳисобланади.

"Одам ДНКси суд-биологик экспертизаси" лабораториясида номаълум тана қолдиқларини идентификация қилиш, қон, сперма, сўлак, соч, тўқималар, органлар, тана бўлаклари ва бошқаларни маълум бир шахсга ёки бир неча шахсга тегишлилигини, биологик изларнинг жинс мансублигини, одам ДНКси генотипини аниқлаш масалалари муваффақиятли ҳал этилади.

ДНК экспертизаси боланинг биологик ота-онасини аниқлаш, ота ёки она авлоди бўйича яқин ёки узоқ қариндошликни аниқлаш, биологик эгизакларни белгилаш билан боғлиқ фуқаролик ишлари бўйича ҳам юқори натижа кўрсатди.

Инкор этиб бўлмайдиган далилларни олиш масаласида ДНК экспертизасига эҳтиёж тобора ўсиб бормоқда. Жумладан, жорий йилнинг ярмида 1200 дан ортиқ тадқиқотлар ўтказилган бўлиб, бу кўрсаткич 2008 йил мобайнида ўтказилган тадқиқотлар сонидан ошиб кетди.

"Одам ДНКси суд-биологик экспертизаси"нинг янги лабораториясининг ишга туширилиши республикада қонунийлик ва одил судловни таъминлаш воситаси сифатида суд-экспертизасига катта эътибор берилаётганидан далолатдир. Тубдан янгиланган лаборатория ушбу мураккаб экспертиза тури учун дунёда қўйиладиган талабларга тўлиқ жавоб беради. Лаборатория энг мураккаб тадқиқотларни ўтказиш учун зарур барча анжом ва мосламалар билан жиҳозланган.

Алоҳида лаборатория янги мосламаларининг имкониятлари кескин ошганлигини айтиб ўтиш зарур. Масалан, 2000 йилдан фойдаланилаётган "ABI PRISM 377" русумли секвенатори ёрдамида фақат ядро ДНКси тадқиқотларини амалга ошириш мумкин бўлиб, битта анализ 7-8 соат вақтни талаб қилади. 2009 йилда олинган "ABI PRISM 3130XL" русумли секвенаторда текширув жараёни бир соат ичида бажарилиб, бунда митохондриал ДНК ва Y-хромосома тадқиқотлари ҳам ўтказилади. Ашёвий далилларни текшириш учун қўлланадиган усул ва услубиётлар жаҳон амалиётида энг юқори кўрсаткич ҳисобланган, яъни 70 миллиард таққослов бўйича 1 та мос келишлик даражасида ишончли хулосалар беришга имкон яратади. Ваҳоланки, бутун ер юзидаги аҳолининг умумий сони 6 миллиарддан бир оз кўп.

Лабораторияда ёш, иқтидорли мутахассислар хизмат қилмоқда. Уларнинг аксарияти Европа ва АҚШнинг етакчи криминалистик муассасаларида тажриба ошириб келган малакали экспертлардир.

Эришилган ютуқлар билан чекланмай, лабораторияда одам ДНКси экспертизасининг янги услубларини ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштиришга қаратилган геном технологиялари ва этногеномика масалаларига оид илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб рецидив, уюшган ва халқаро жиноятчиликка қарши курашнинг кучли воситаси ДНК бўйича маълумотлар базасини яратиш устида иш олиб борилмоқда.

КЎРИК-ТАНЛОВ

"Тошкент экологияси: менинг уйим – менинг шаҳрим"

Акобир САЙИДОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бугунги кунда Тошкент шаҳри таниб бўлмас даражада чирой очиб бормоқда. Унинг кўчалари-ю хиёбонларини айланган ҳар бир кишининг қалбида туғилиб ўсган заминига нисбатан фахр-ифтихор туйғуси жўш уриши шубҳасиз. Олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, осмонўпар янги иншоотлар гўзал ва навқирон шаҳримиз кўркига кўрк қўшаётир, десак муболаға бўлмайди.

Пойтахтимизнинг 2200 йиллик тўйини муносиб нишонлаш, бу билан шаҳримизнинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини янада ошириш, айниқса, ёшларимизни она Ватанга муҳаббат, юртга садоқат руҳида тарбиялаш, заминнинг ҳар бир гиёҳи, тарихий обидаларига нисбатан муҳаббат, уларни асраб-авайлаш туйғусини шакллантириш муҳим вазифа саналади. Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси, Тошкент шаҳар Уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси, Тошкент шаҳар "Махсустранс" ишлаб чиқариш бошқармаси ишчи-хизматчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, соҳа ходимларининг меҳнат унумдорлигини ошириш, кўп қаватли уйларнинг санитар-гигиеник ҳолатини яхшилаш мақсадида "ЭКОСАН" халқаро фонди Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида "Тошкент экологияси: менинг уйим - менинг шаҳрим" шиори остида кўрик-танлов ташкил этилган эди. Куни кеча ушбу танловнинг якуний босқичи ўтказилиб, бир неча йўналишлар бўйича ғолиблар аниқланди.

Тадбир сўнгида танловнинг "Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш соҳасидаги энг ибратли жамоа" йўналиши бўйича Ихтисослаштирилган суғориш шахобчалари ва кўкаламзорларни парвариш қилиш ва таъмирлаш Марказий бошқармаси жамоаси, "Энг намунали кўп қаватли уй" йўналиши бўйича Чилонзор тумани "Чин бахт сервис" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати, "Энг намунали маданият ва истироҳат боғи" йўналиши бўйича Заҳириддин Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи жамоаси ғолибликни қўлга киритди. Кўрик-танлов натижаларига кўра бошқа йўналишлар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, "ЭКОСАН" халқаро фондининг дипломи ва совринлари билан тақдирланишди. Учрашувда "ЭКОСАН" халқаро фонди ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда "Маҳалла" жамғармаси ҳамкорликда навбатдаги тадбир - "Обод қилган обод бўлади" шиори остида "Энг намунали қишлоқ ҳовлиси" республика кўрик-танлови ўтказилаётгани маълум қилинди.

2009 ЙИЛ "ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙИЛИ"

"Қаҳрамон" чирой очмоқда

Анорбой НОРҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Юртимиз қишлоқларининг жамоли йилдан-йилга ўзгариб бораяпти. Бир-биридан гўзаллашиб, замонавий қиёфадаги иншоотлар қад ростлаяпти. Кўркам мактаб, коллеж, спорт мажмуалари кишига завқ ва шавқ бағишлайди. Қишлоқларда барпо этилаётган сервис хизмати кўрсатиш шахобчалари, гузарлар ва қайта ишлаш корхоналари, юрт ободлиги ва фаровонлигидан яққол далолатдир.

"Қаҳрамон" қишлоғи Сирдарё вилоятининг марказидан олисда "Ховос" туманининг чўл ҳудудида жойлашган. Қишлоқда 933 та хонадон мавжуд. "Қаҳрамон"да 2 та замонавий мактаб, 1 та касб-ҳунар коллежи, 2 та болалар боғчаси, 1 та маданият саройи, 2 та автосервис шахобчаси, 1 та қишлоқ шифохонаси, ва бошқа маданий-маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари фаолият кўрсатмоқда. Ҳудудда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида катта амалий ишлар бажарилаяпти. Тадбиркорлик, ишбилармонлик кенг қулоч ёзиб, ишсиз юрган ёшлар учун янгидан-янги иш ўринлари яратилмоқда. Қишлоқнинг тадбиркор инсонларидан бири Орзумурод Ёқубалиев қаровсиз, ташландиқ аҳволдаги клуб биносини таъмирлади ва бу ерда мебель ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Кичик корхонанинг ишга тушиши шарофати билан 10 нафар қишлоқ ёшлари доимий иш ўринларига эга бўлди. Бу ерда бежирим, замонавий услубда тайёрланаётган мебеллар хориж маҳсулотларидан ўтса ўтадики, асло қолишмайди. Нархи ҳам икки баробар арзон. Шу боис ҳам бу маҳсулотга талабгорлар сафи кун сайин кўпаймоқда. Ҳалол меҳнат билан шуғулланаётган қишлоқ ёшларининг қўли мўмай пул кўриб, хонадонларига қут-барака кирмоқда. Тадбиркор Орзимурод Ёқубалиев яқинда яна бир катта, хайрли ишга қўл урди. У мебель цехида стол-стул, ўриндиқ, ёғоч каравотлар ясашни йўлга қўйди. Шунингдек, қишлоқ марказида ёшларнинг ҳордиқ чиқаришлари учун хиёбон барпо этди. Бу ерда салқин ичимлик, мазали музқаймоқлар сотилади. Хиёбон ёшларнинг энг севимли масканига айланиши шубҳасиз.

Қишлоқ аҳолиси учун томорқа фаровонлик манбаига айланган. Улар ихтиёрида 80 гектардан ошиқ майдон бор. Аҳоли томорқадан унумли фойдаланмоқда. Улар дастурхонидан сабзавот, полиз маҳсулотлари асло узилмайди. Истеъмолдан ортган маҳсулотлар Янгиер шаҳри деҳқон бозори расталарини обод этмоқда.

— "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"да бир қатор ишларни амалга оширмоқчимиз,- дейди "Қаҳрамон" қишлоқ фуқаролари йиғини раиси Нурмуҳаммад Сулаймонов. — Ҳудудда тоза ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида қувурларни таъмирлаяпмиз. Шунингдек, кўп қаватли уйлар ҳомийлар кўмагида таъмирланмоқда. 6 та уйнинг носоз шиферлари алмаштирилди. 5 километр газ қувурлари янгиланди. Қишлоқда маиший хизмат кўрсатиш уйи, тикувчилик цехи ташкил этиш борасида ҳам катта ҳажмдаги ишлар бажарилмоқда.

Қишлоқ аҳли чўл қўйнида қад ростлаган ушбу аҳоли масканини обод, кўркам гўшага айлантириш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. "Қаҳрамон"-ликлар эрта кўкламда ҳашар йўли билан 5 гектарлик майдонда боғ ташкил этиб, 5 минг турдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатларини ўтказган эдилар. Айни кунда кўчатлар кун сайин бўй кўрсатмоқда. Янги боғ қишлоқ кўркига кўрк бағишлаяпти.

ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ...

Имконият ва имтиёз

ундан ким қандай фойдаланаяпти?

Беҳзод КАРАБАЕВ,
ЎзР Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департамент Тошкент шаҳар бошқармаси Сергели тумани бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи

Мамлакатимизда мустақилликка эришилгандан кейин, айниқса хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилди, қатор имтиёз ва имкониятлар яратилди. Ана шундай имкониятлар сабабли Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги натижаларига бағишланган йиғилишида таъкидланганидек, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,2 фоизни, жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 13,1 фоизни, хизматлар кўрсатиш 19,5 фоизни ташкил қилди.

Хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда маҳаллийлаштириш дастурининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Биринчи ярим йиллик натижаларига кўра ушбу дастурни амалга оширилиши маҳаллийлаштирилган маҳсулотларнинг 95 янги турини ўзлаштириш, маҳаллийлаштирилган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини 1,8 баробар ошириш, 708 миллион АҚШ доллари эквивалентига тенг миқдорда импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш имконини берди. Ишлаб чиқаришни, хусусан хусусий тадбиркорликни ривожлантириш натижасида биринчи ярим йилликда 534,6 мингта, жумладан корхоналар билан кооперация асосида касаначилик соҳасида 52 мингта янги иш ўрни ташкил этилди.

Шоли курмаксиз бўлмайди, деганларидек, ана шундай улкан натижаларга эришилаётгани, тадбиркорликка ҳукумат даражасида эътибор, имтиёз ва имкониятлар берилаётганига қарамай, айрим тадбиркорлар тўғри йўл қолиб, қинғирини танламоқчи бўлишади. Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади деганларидек, жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги ҳолатига кўра департамент томонидан Сергели туманида 26 та қонунбузарлик ҳолати аниқланди ва 35 нафар шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Масалан Сергели тумани ҳудудида фуқаро Н.Ражаббоева ва З.Очилова 7.365.000 сўмлик товар моддий бойликни ноқонуний равишда сотиш мақсадида олиб келаётганлиги ҳолати аниқланди. Фуқаро Ф.Абдураҳмонов эса 43 тонна 800 килограммлик 48180.000 сўм миқдоридаги арматурани яширин равишда, ҳеч қандай ҳужжатсиз олиб кетаётган пайтда ушлаб қолинди. "Сел-материал-сервис" МЧЖ мансабдор шахслари Вазирлар Маҳкамасининг 280-сонли қарорига зид равишда фаолият олиб бориб, давлат бюджетига 16244,5 минг сўм миқдоридаги солиқни тўлашдан бўйин товлаган.

Мана бу далилга нима дейсиз? Ишлаб чиқаришга юқорида айтганимиздек жуда катта имтиёз ва имконият берилганига қарамай фуқаро А.Сайидов ва бошқалар яширин равишда прянник ишлаб чиқарадиган цех ташкил қилиб, фаолият юритишган. Баҳриддин ва Элёр Ибрагимовлар ҳам ўз дўконида яширин цех ташкил этганликлари аниқланди. Фуқаро Қ.Қаландаров, И.Расулов ва Қ.Ҳусанов ўзаро жиноий тил бириктириб 7800 АҚШ долларини ноқонуний равишда 14118.000 сўмга сотишаётган пайтида ушланди. Биринчи ярим йиллик давомида департамент томонидан давлат бюджетига жами 94 миллион 607 минг 900 сўм зарар етказилганлиги аниқланди ва судлар орқали унинг 89 миллион 571 минг сўми ундирилди. Ўтган ярим йилликда мусодара қилинган 143 миллион 385 минг сўмлик товар моддий бойликдан судлар орқали 114 миллион 327 минг 400 сўми ундирилди.

Шу ўринда айтиш лозимки, департамент томонидан тадбиркорларга ўз ҳақ-ҳуқуқларини тушунтириш, берилган имтиёз ва имкониятилардан фойдаланиш борасида тарғибот ишлари ҳам йўлга қўйилган. Бу ўз навбатида департаментнинг корхона, тадбиркорлар билан алоқаси ва ҳамкорлигини яхшилашга хизмат қилмоқда.

НИГОҲ

БИЗНИНГ ШАРҲ

Беҳбуд БОТИРОВ

Муқовадаги афиша ва мультфильмлар ғояси

мутасаддилар нафақат маҳсулотнинг афзаллиги ва сифати, балки унинг маънавий-ахлоқий талабларига ҳам жавобгар саналади

"Мактаб бозорларида сотилаётган дафтарлар маънавиятимизга қанчалик тўғри келаяпти? Нима учун дафтарларда буюк алломаларимизнинг, таниқли ижодкорларимизнинг сиймолари чоп этилиб, илм олишнинг фазилатлари ҳақидаги ҳикматли сўзлари берилмайди? Муқовалардаги яраштиқсиз, ҳаёсиз тасвирлар – хорижий эстрада хонандалари, турли фильм ва мультфилмлар қаҳрамонларининг суратлари фарзандларимиз тарбиясига қанчалик таъсир қилаяпти? Бу ҳолат болаларнинг фикрини чалғитмайдими?" Ҳар йили янги ўқув йили олдидан ушбу мавзу доирасида баҳс-мунозаралар бошланади, ОАВ орқали кўплаб чиқишлар қилинади. Шунга қарамай, навқирон авлод дунёқарашига зимдан жиддий таъсир кўрсатаётган бундай ҳолатлар давом этмоқда.

Бу борада олиму мутахассисларнинг мухтасар фикрлари шундай: ўқувчи-ёшлар томонидан фойдаланилаётган дафтарлар муқовасида улуғ алломаларимиз, буюк аждодларимиз – Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Амир Темур ва бошқа кўплаб улуғ бобокалонларимизнинг тасвирлари, машҳур байт ёки ғазалларини бериш лозим, токи бу ёшларнинг онгу-шуурида сақланиб қолсин. Аммо танганинг иккинчи томони ҳам бор: айрим ўқувчи-ёшлар бугунги кунда гуллаб яшнаётган эстрада хонандалари, хорижнинг жангари фильмларининг қаҳрамонлари ўз "ёнларида" бўлишига қизиқадилар.

Дарҳақиқат, тарбия аталмиш улуғ юмуш жуда нозик, худди гўзал ва инжиқ амалга ўхшайди. Бешикдан то қабргача илм ўрганмоқ даъвати нечоғлик ибратли саналса, инсоният ҳаётнинг интиҳосигача бирни кўриб фикр қилмоғи, яъни ўзининг маънавий оламини ғуборлардан тозалаб, ёритиб бормоғи лозим. Шу жиҳатдан ҳар бир ота-она олдида ҳали ҳаётни чуқур англаб етмаган болани муносиб тарбиялаш, ўстириш, улғайтириш вазифаси туради. Аммо жамиятда бола тарбиясига турли таъсир воситалари ҳам борки, бундан ота-онадан ҳушёрлик, сезгирлик талаб этилади. Бу борада юқорида тилга олинган дафтар ва унинг мафкураси, маънавиятимизга таъсири долзарб аҳамият касб этади.



Маълумотларга кўра, республикамизда бир ўқув йили учун ўртача 400 миллион нусха, яъни 10 миллиард сўмлик дафтарга эҳтиёж бор. Юртимиздаги дафтарларнинг тахминан 50 фоизи четдан келтирилади, 40 фоизи маҳаллий босмахоналарда чоп этилса, тахминан 10 фоизи давлат нашриётларида юқори сифатда, муқовалари қадриятларимизга мос, замонамизга монанд қилиб тайёрланади. Бошланғич синф ўқувчилари учун ишлаб чиқариладиган дафтар-китобларга давлат томонидан алоҳида талаблар бор. Масалан, бошланғич синф ўқувчисининг битта китобининг оғирлиги ўртача 70 граммдан ошмаслиги, сўзлар орасидаги фарқ, шрифтлар, варақдаги босма ёзув иккинчи томонига ўтмаслиги керак. Барча қонун-қоидаларга риоя қилинган ҳолда давлат босмахонасига ишлаб чиқариладиган дафтар ўртача 100 сўмга тушади, хусусий корхоналар ишлаб чиқарган дафтар эса 30-35 сўм. Бундан ташқари дарсликлар тайёрлашда, ҳар бир синф учун ўша синф ўқувчиларининг умумий ақлий, жисмоний ҳолати, имконияти, кўзининг қуввати ҳисобга олинади, ранглар бўёқлар, қоғознинг оқлиги, қалинлиги шундан келиб чиқиб белгиланади.

"Мактаб бозорлари"ни айланганимизда, дафтарлар муқоваларида нисбатан ижобий ўзгаришлар борлигига гувоҳ бўлдик. Табиат манзаралари, турли автомобиллар акс этган суратлар аксариятни ташкил этади ва ота-оналар айнан шундай маҳсулотларни харид қилишмоқда. Аммо "Эминем", "Мадонна", турли хорижий эстрада гуруҳлари, айниқса, чет эл сериаллар қаҳрамонлари акс этган дафтарларнинг бозори ҳам чаққон, нархи арзон. Афсусланарлиси шундаки, уларнинг бирортасида ҳаттоки, карра жадвали, математика тенгламалари ва геометрия формулалари ҳам келтирилмаган.

Бу орқали айрим болаларнинг "юлдузли дафтарлар"га ишқибоз эканлигини англаш қийин эмас. Мазкур ҳолатни психолог Шарофат Ҳамидова шундай изоҳлайди:

- Бу ўсмир ёшдагилар учун ўртоғига мақтаниш туйғусини уйғотиши мумкин. Чунки айнан шу ёшдагилар учун дўстлари олдида ўзини кўрсатиш, устунлигини намойиш этиш ҳисси кучли бўлади.

Анвар Соатов, Миробод туманидаги "Мактаб бозори" ярмаркаси сотувчиси:

- Бугунги кунда аксарият ота-оналар болаларига хорижнинг турли қаҳрамонлари эмас, балки табиат манзаралари, гуллар ва мевалар, автомобиллар акс этган дафтарларни олиб беришмоқда. Расталаримиздан муқовалари оддий ва қалин дафтарлар ўрин олган. Кузатишларимга кўра, ҳозир хорижий суратларни чоп этиб, харидорларни жалб этиш даври ўтиб кетди, аммо талабаларимиз юзида турли расмлар, санъаткорларнинг суратлари бўлган дафтарларни сотиб олишаётгани мени ҳайрон қолдиради!

Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Минҳожиддин Мирзо дафтарлар муқовасидаги суратлар ёшлар онгига қай даражада таъсир кўрсатади, деган саволга шундай жавоб беради:

- Муҳтарам Юртбошимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида бу ҳақда шундай дейилган:

"Табиийки, "оммавий маданият" деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларнинг кўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлари одамни ташвишга солмай қўймайди".

Гоҳо бозорларда қаерда чоп этилгани кўрсатилмаган, ёвузлик, ахлоқсизлик суратлар туширилган ёшларга "аталган" дафтарларни кўрганда "бу дафтарлар шунчаки пул топиш учун эмас, балки, "оммавий маданият" таъсирини фарзандларимизга болаликдан сингдириш йўлидаги уринишлар эканлигини англайсан. Албатта, ёшларимизни билимли, касб-корли, кенг дунёқарашли қилиб тарбиялашга қаратилган узлуксиз тизимли ишларимиз олдида бундай хавфлар заифлашади.

БОЙЛИК, ҲУКМРОНЛИК ҒОЯСИ

Бугунги кунда ўқувчи-ёшлар онгига энг тез таъсир кўрсатаётган воситалардан яна бири бу – мультфильмлардир. Кичкинтой томошабинларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида эфирга узатилаётган ўзбек мультфильмларининг аксарият қисми асосан халқ оғзаки ижодидан олинган. Аммо халқ эртаклари асосида яратилган мультфильмларнинг камлиги боис эфирларда хорижий маҳсулотлар ўрин олмоқда. Уларнинг аксарияти маъно-мазмун деярли ўхшаш: "Сен гўзал ва мафтункорсан", пул ва бойлик, ҳукмронлик, вертолёт ва машина билан қувиш, полиция, ўғрилик, зўравонлик, ваҳшийлик ва шу каби хатти-ҳаракатлар асосига қурилган. Рақиблар бир-бирини бемалол ўлдиради, бошини сапчадай узиб ташлайди... Бу боланинг дунёқарашига таъсир ўтказади, уни телевизорда ёки компьютер ўйинида кўргани учун тақлид қилиб, ўхшагиси келади, атрофдаги ўртоқларига мақтанади. Ана шу восита орқали бизнинг турмуш тарзимиз энг зўр, биздан ибрат олинг, деган ғоя сезиларсиз тарзда сингдириб борилади. Бу жуда жиддий ғоявий таъсир.

- Пойдевор иморатнинг асоси бўлганидек, инсон умрининг дастлабки йиллари унинг руҳий ривожланишининг асоси саналади, - дейди психология фанлари номзоди Маҳмуд ЙЎЛДОШЕВ. - Боладаги ақлий ривожланишнинг 80 фоизи 7-8 ёшларгача шаклланади, инсон шахсининг ҳар томонлама ва уйғун ривожланиши ҳам айнан шу даврга тўғри келади. Ёдингизда бўлсин: ёш боланинг мультфильмни узоқ ва сурункали томоша қилишига йўл қўйманг. Айнан эътиборсизлик оқибатида Шрек, Монстр, Супермен каби ғарб мультфильмларидаги қаҳрамонлар боланинг хаёлини олиб қочиши ва уни нормал ҳаётга қайтариш анча қийинлашиб қолиши мумкин. Энг ачинарлиси, ғарб мультфильмларида "яланғоч" ҳиссиётларга катта ўрин берилган ва буни ҳеч иккиланишсиз томоша қилаётган фарзандларимизда болаларча беғуборлик йўқолиб, ўрнини даҳшатлик, ҳаёсизлик эгалламоқда. Хулоса шуки, тарбия борасида замонавий имкониятлардан бири бўлмиш мультфильмлардан кенг фойдаланиб, болангизда рўй бераётган ўзгаришлар, характери юзасидан доимо педагог ва психолог билан ҳамфикр бўлиш лозим.

Юртимизда халқ фаровонлиги, фарзандларимизнинг эмин-эркин ўсиб-улғайишлари учун таълим соҳасини миллий қадриятларимиз асосида, жаҳон андозаларига мос равишда ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада қабул қилинган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да кўрсатилгандек, ўқувчилар онгига мустақиллик ғояларини сингдириб бориш, истиқлол мафкурасини шакллантириш таълим-тарбиянинг муҳим омили сифатида белгиланган. Зеро, инсон иродали бўлиб туғилмайди. Шу жиҳатдан бугунги ёш авлодни тўғри йўлдан адашмаслиги, иродали, ақлан етук, маънавий бақувват бўлмоғи учун биз - катталар масъулмиз.

Пойтахтимиздаги 275-мактаб ўқитувчиси Осиё Даутова шундай дейди:

- Болаларнинг қизиқишларини ҳам, албатта, ҳисобга олиш керак. Бунда маҳаллий босмахона мутасаддилари дафтарларда акс этган суратларнинг орқа тарафига бирор машҳур хонанда ва унинг ватанпарварлик руҳидаги шеъридан тўртлик ёки юртимиз меъморий обидаларининг сурати ва у ҳақда қисқа маълумотлар бериш лозим. Зийраклик болага хос хусусият. Шунинг учун улар кузатувчан, катталарга эргашувчан бўлишади. Демак, биз ҳам бундан устамонлик билан фойдаланишимиз лозим. Яна бир таклиф: дафтарларни ихтисослаштиришга эътибор қаратиш керак. Масалан, маҳсулотни "Кимё фанидан дафтар", дея сотувга чиқариб, шу фанга мос маълумот ва безаклар, алломаларимиз суратлари, уларнинг машҳур сўзларидан иқтибослар келтирилса айни муддаодир.

– Ҳайронман, дафтарлар муқовасида ўлкамизнинг тарихий обидалари билан биргаликда истиқлол йилларида бунёд этилаётган, жаҳон аҳлини ҳайратга солаётган гўзал иншоотларнинг тасвирларини жойлаштириш мумкин-ку!, - деб мактуб ёзган куюнчаклик билан самарқандлик Зайниддин Бақоев. – Шунда бола партаси устида бешарм башараларни эмас, энг замонавий усулда қурилган, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган олий ўқув юрти бинолари суратларини кўрса, унинг қалбидаги ўқишга, ана шундай маҳобатли биноларда илм олишга бўлган орзу-иштиёқ янада ошади.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Сайлов яқин

Афғонистонда сайловолди кампания якунланди.

20 август куни 17 миллиондан зиёд афғон сайловчилари мамлакат тарихида иккинчи маротаба янги давлат раҳбари учун овоз беришади. Тахминий сўровномаларга кўра, унда амалдаги президент Ҳамид Карзайнинг имкониятлари юқори баҳоланмоқда. Кузатувчиларнинг сўзларига кўра, ҳукумат сиёсий тадбирни тинч-осойишта ўтишига кафолат беролмайди. Айни пайтда "Толибон" жангарилари мамлакатдаги бир нечта вилоятлардаги сайлов участкаларини вайрон қилишларини маълум қилган. Сўнгги маълумотларга қараганда, Афғонистон пойтахти Қобулда террорчилар томонидан портлаш содир этилган.

15 ойлик инқироздан кейин

Япония иқтисодиёти қайта тикланмоқда.

15 ойлик инқироздан сўнг Кунчиқар юртда ялпи ички маҳсулотдаги ўсиш 0,9 фоизни ташкил этди. "Euronews" хабарича, нафақат Осиё, балки дунёнинг энг ривожланган давлатларидан бири бўлган Японияда бундай ўзгариш дунё иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Бундай хушхабар қарийб 130 миллионлик япон халқи томонидан ҳам муносиб қарши олинди. Қолаверса, бу мамлакатда шу йилнинг 30 август куни ўтказилиши кутилаётган парламент сайловлари олдидан амалдаги бош вазир Таро Асонинг имкониятларини янада ошириб юборди. Бошқа тарафдан эса расмий Токио мамлакатдаги ишсизликдан жиддий хавотирга тушган.

Жиддий пасайиш

Зимбабве хукумати мамлакатдаги ягона пул бирлигини бекор қилди.

Россиянинг "Новости" ахборот агентлиги хабар беришича, Зимбабве доллари 1 миллиард фоизлик инфляцияга етиб, дунё миқёсида рекорд кўрсаткичга етган. Бу эса охир-оқибат ҳукуматнинг ўз пул бирлигидан воз кечишига олиб келди. Ўтган йил ҳукумат иқтисодиётда деноминация ўтказиб, купюрдаги 10 та нолни олиб ташлагани ҳам миллий валютани сақлаб қолишга имкон бермади. Шу йилнинг ёзида 1 триллион Зимбабве пули 15 АҚШ центни қайд этгач, ҳукумат ягона миллий пул бирлигини бутунлай бекор қилди. Кузатувчиларнинг сўзларига кўра, мамлакатда инфляциянинг ўсиши нон ва буғдой нархининг кескин ошиши билан боғлиқ. БМТ маълумотларига кўра, айни пайтда 2 миллион зимбабвелик аҳоли озиқ-овқатга муҳтожликда кун кечирмоқда. Инфляция туфайли мамлакатда пул босиб чиқарадиган қоғозларнинг тугаши оқибатида ҳукумат савдо-сотиқ ишларини Жанубий Африка ранди ва АҚШ долларида олиб боришга рухсат берган.

Интернет хабарлари асосида Адиба РАҲМАТУЛЛАЕВА тайёрлади

РАНГИН ДУНЁ

Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Қадимги Бақтрия хазинаси

ёхуд юнон маданиятига хос буюмлар Амударё соҳилларига қандай келиб қолган?

1978 йили халқаро археологик экспедиция гуруҳи Афғонистоннинг шимолий қисмида қазишма ишларини олиб борган чоғида 2000 йиллик тарихга эга бўлган қадимги қабристонга дуч келишади. Бундан сал аввал олимлар уч минг йиллик тарихга эга бўлган оташпарастлар ибодатхонасини топишади. Айнан шу ердан қадимги Бақтриянинг олтин хазинаси ҳам топилади. Қарангки, бу маконнинг номи ҳам "Тилла-тепа" деб аталар экан. Шунингдек, қазишма ишлар чоғида "Тилла-тепа"дан олтита номаълум қабр ҳам топилади. Кейинроқ эса, қабрларнинг бирида оддий аёл эмас, балки қадимги малика даъфн этилгани маълум бўлади. Айтишларича, жасаднинг деярли ҳамма ери олтинлар билан қопланган, ҳатто, марҳумнинг оғзига ҳам тилла танга солинган экан. Олимларга бу манзара қадимги грекларнинг дафн маросими, уларнинг урф-одатларини эслатади. Айтишларича, марҳуманинг оғзига тилла танга солишдан мақсад — одам руҳи бошқа дунёга ўтаётганида ҳақ тўлашидан далолат экан.

Археологлар XX асрнинг охиригача қўл урилмаган, улкан хазинага дуч келишганига аввалига ишонишмайди. Чунки, бу даврга қадар деярли ер юзидаги бор хазиналар ўз эгаларини топиб, талон-тарож қилиб бўлинган, деб ҳисобланган эди. Олимларнинг фикрича, маликанинг дафн маросими пинҳона ўтказилган, шунинг учун бу макон сир бўлиб қолган бўлиши мумкин. Шунингдек, маликанинг ўлимидан сўнг уни тинчини бузмаслик ҳамда ўша даврдаги олтинпарастлардан ҳимояланиш ва уларни чалғитиш мақсадида шундай (оддий ёғоч саганага кўмилган) қилинган бўлиши мумкин.



"Тилла-тепа"даги афсонавий хазинадаги олтинларнинг сони 20 мингга яқин буюмлардан иборат бўлган: асосан олтин белбоғ, ханжар, нақшинкор хумчалар. Топилмаларнинг ёшини мутахассислар бемалол аниқлай олишган. Бироқ, тилла тангаларнинг ёшини аниқлаш бир мунча қийинчиликлар туғдирган. Негаки, хазинадаги тангалар турли халқлар(қадимги Рим, қадимги Грек) маданиятига тааллуқли бўлган. Айниқса, Афинага хос бўлган ўйнаётган дельфинларнинг олтиндан ясалган нақшинкор тасвири топилиши ҳаммани ҳайратга солган.

Тарихчилар бу жумбоққа ҳам жавоб топа олишган: Александр Македонский ёшлигиданоқ форслар салтанатига ҳарбий юриш қилишни орзу қилган. Эрамиздан аввалги 336 йилда Александр Македонскийнинг отаси Филип II Эронга ҳарбий юришга отланган чоғида ўлдирилганлиги тарихдан маълум. Ёш Александр аввалига Македония ва Греция чегараларида тартиб ўрнатиб, эрамиздан аввалги 334 йилда Кичик Осиёга 37 минг нафар аскар билан юриш қилади. Мисрда ҳукмронликка эришган Александр Эронга ҳам ҳужм қилади. У форслар подшоҳининг улкан хазинасини қўлга киритиб, Бақтрия (Бақтрия — мингта шаҳар мамлакати) томон йўл олади. Чамаси икки йил давом этган жанглардан сўнг греклар Бақтрияни эгаллашган. Шу тариқа грек маданиятига хос тилла буюмлар ва катта миқдордаги олтин Бақтрияга келиб қолган. Чунки, ўша давр таомилига кўра, ҳукмдор ҳарбий юришлар чоғида мамлакат хазинасини ўзи билан бирга олиб юрган.

Александр Македонскийнинг империяси қулаганидан 200 йил ўтиб Бақтрияга Шимолий Хитойдан Кушон қабиласи бостириб келади. Бақтрияни мағлуб этган янги ҳукмдорлар форс-грек маданиятлари уйғунлашиб кетган мамлакатга Кушон салтанатининг маданиятини ҳам омухта қилишади. Шу тариқа Бақтрияда бой маданий мерос вужудга келади.

Дарҳақиқат, экспедиция қатнашчилари бу бой маданиятни ўз кўзлари билан кўриб, унга ишонч ҳосил қилишган. Бироқ, олимларнинг тадқиқотлари Афғонистондаги нотинчлик сабабли тўхтатилган. Ҳозирча бу хазинанинг кейинги тақдири номаълумлигича қолмоқда. Аммо, экспедиция қатнашчилари ўз вақтида қадимги Кушон маликаси қабридан топилган энг ноёб, олтин буюмларнинг нусхаларини олиб улгуришгани боис, айни пайтда олимлар афсонавий хазина ҳақида бир мунча тушунчага эга.

БАЙРАМ ТИЛАКЛАРИ

TÜV CERT EN ISO 9001

"QIZILQUMSEMENT" Certificate № 0410020050368

«ҚИЗИЛҚУМЦЕМЕНТ» ОАЖ ЖАМОАСИ

Халқимизни қўшалоқ байрамлар – энг улуғ ва энг азиз айём –

Мустақиллигимизнинг 18 йиллик шодиёнаси

ҳамда пойтахтимиз

Тошкентнинг қутлуғ 2200 йиллик тўйи

муносабати билан чин юракдан муборакбод этади.

Юртимизга ярашган эркинлик ва ҳурлик абадий бўлсин!

Осмонимизни мусаффолик, диёримизни тинчлик, элимизни осойишталик, дастурхонларимизни тўкин-сочинлик, она заминимизни қут-барака ҳеч қачон тарк этмасин.

«ҚИЗИЛҚУМЦЕМЕНТ» ИШОНЧЛИ ҲАМКОР!

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ:
«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир:
Жалолиддин САФОЕВ

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи-назаридан фарқланиши мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун таҳририят жавобгарликни ўз бўйнига олмайди.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г-723, Адади — 4196

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 234-87-74, 234-87-73, 234-86-41 ФАКС: (8-371) 234-69-55, 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ
офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи:
Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир:
Исмат ХУДОЁРОВ
Навбатчи:
Сарвар ХУРРАМОВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 19.00.

1 2 3 4 5